Ушбу сонда:

ПУДРАТЧИ ЕРИНИ ОЛДИ 2

ЧОРА ҚАТТИҚ, ЛЕКИН АДОЛАТЛИ

ГУМДОН БЎЛГАН ЎҒИТ 3

БИЛЛ ГЕЙТС: БОЙЛИК — АҚЛ ВА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ 4



**MEZON:**

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА.

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 20 (376)
2004 йил 25 май сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

***21 май куни Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полвон-зода хорижий ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Унда вазирликнинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ва чет эл нодавлат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларини рўйхатга олиш бўйича ишларининг натижалари журналистлар эътиборига ҳавола этилди.***

## БАҲО БЕРИШ ҲУҚУҚИ ХАЛҚҚА ТЕГИШЛИДИР

**Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири**

***Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 декабрдаги қарорига асосан илгари Ташқи ишлар вазирлигида амалга оширилган ваколатига кирган халқаро ва чет эл нодавлат ташкилотлари ваколатхоналари ҳамда филиалларини давлат рўйхатига олиш масалалари билан шуғулланиш Адлия вазирлиги зиммасига юкланган эди. Биз бугун ўтган давр мобайнида бу борада амалга оширилган ишлар якуни ҳақида маълумот бериш ниятидамиз.***

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, аввал-бошда ҳукуматнинг мазкур қарори тўғрисида турли хил бўҳтон гап-сўзлар ва ўйламай айтилган фикрлар пайдо бўлган, ҳатто Адлия вазирлигининг чет эл ноҳукумат ташкилотлари ваколатхоналарини рўйхатга олиш борасида ҳуқуқий имкониятлари шубҳа остида олинган эди. Шунингдек, бу халқаро ташкилотларнинг аксарияти рўйхатга олиш жараёнида рад этилади, кўплари эса илгари жорий қилинган имтиёзлардан маҳрум бўлади, деган асоссиз овозалар тарқатилган эди.

Бундай бўҳтон ва уйдирма гапларни ким, қандай мақсадда тарқатганини биз яхши биламиз. Майли, ким ўшанда бундай асоссиз ва уйдирма фикрларни тарқатган бўлса, бари уларнинг виждонига ҳавола.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунга қадар ариза билан мурожаат қилган деярли барча халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари Ҳукумат қарорида белгиланган муддат ва тартибда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Адлия вазирлигида келиб тушган ҳужжатларни тезкор кўриб чиқиш, рўйхатга олиш жараёнини малакали ва белгиланган муддатда амалга ошириш учун барча зарур ташкилий шарт-шароитлар яратилди.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан вазирликка жами 76 та ташкилот мурожаат қилди. Шундан 73 таси рўйхатга олиниб, давлат реестрига киритилди, уларга давлат рўйхатига олингани тўғрисида гувоҳнома берилди ва айни вақтда бу ташкилотлар Ўзбекистонда қонуний асосда фаолият олиб бормоқда. Чет эл ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари илгари эга бўлган барча, жумладан, божхона ва солиқ соҳасидаги имтиёзлар тўлиқ сақлаб қолинди.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигида икки ташкилот — "Венгрия экумен хизмати" (Венгрия) ва "Мэрлин" (АҚШ) ваколатхоналарининг рўйхатга олиш учун топширган ҳужжатлари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда ўз фаолиятини юритишни мақсад қилган бошқа нодавлат, ноҳукумат ташкилотлари рўйхатдан ўтиш учун тегишли ҳужжатларни топширмоқдалар.

Рўйхатга олиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларнинг бир қатор ваколатхоналари ўз фаолиятларида Ўзбекистон қонунчилигини бузган ҳолат мавжудлиги учун расман огоҳлантирилди. Хусусан, бундай расмий огоҳлантириш АҚШнинг халқаро муносабатлар Миллий демократик институти ва Халқаро Республика институти (АҚШ) ваколатхоналарига ҳам билдирилди.

Юқорида қайд этилган ваколатхоналар 2003 йилнинг июн ойида рўйхатга олинган, аммо бу вақт давомида улар томонидан қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилгани аниқланди, жумладан, улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган, сиёсийлашган, фаолияти амалдаги қонунчиликка мутлақо зид бўлган "Эрк" демократик партияси", "Бирлик халқ ҳаракати партияси" деб аталмиш ва шунга ўхшаш бошқа тузилмалар билан доимий алоқада бўлиб келган.

Бундан ташқари, Халқаро Республика институти томонидан 1999 йил 16 февралда Тошкентда террорчилик актларни содир этгани учун судланган Муҳаммад Солиҳ етакчилик қилаётган "Эрк" демократик партияси деган тузилма дастур лойиҳасини тузиш, чет эллик экспертлар иштирокида тақриздан ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритишда ёрдам кўрсатилган.

Қайд этилган бу ваколатхонанинг фаолияти нохолис хусусиятга эга бўлиб, улар рўйхатга олиш ҳужжатларида баён этилган талаблар доирасидан бутунлай чиқиб кетган.

Бундан ташқари, мазкур ваколатхона "Озод деҳқон партия"си деган тузилманинг таъсис съездига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда бевосита иштирок этган. Семинар ва тренинглар Конституциямизга қарши кайфиятда бўлган алоҳида гуруҳлар иштирокида ўтказилган.

Шунингдек, бу ваколатхона томонидан ажратилган маблағларнинг тўғри сарфлаш ҳақидаги қонунчилик талаби ҳам бузилган. Яъни семинарлар ўтказилаётган пайтда унинг иштирокчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига зид равишда накд пул маблағлари, стипендиялар тарқатилган.

"Фридом Хауз" ташкилоти ваколатхонаси фаолиятида ҳам алоҳида қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, мазкур ваколатхона томонидан Конституцияга мутлақо зид даъватлар битилган, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни бир томонлама ва ғаразли мақсадда баҳолайдиган адабиётлар ва видеокассеталар тарқатилган.

Адлия вазирлиги ўз навбатида бу ваколатхонани мамлакатимиз ички ишига аралашишдан ўзини тийишга, Ўзбекистоннинг қонунчилик талабларига қатъий риоя этиш ҳамда миллий қадрият ва анъаналаримизни ҳурмат қилишга чақирди.

Айтиб ўтилган 3 та ваколатхонани давлат рўйхатига олиш чоғида Адлия вазирлиги томонидан уларнинг раҳбарлари фаолиятлари мобайнида қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйса, рўйхатдан ўтказилганлик ҳақидаги қарор қайта кўриб чиқилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"**ги қонуннинг 8-моддасида шундай қайд этилган:

**"Нодавлат нотижорат ташкилоти:**

**қонун ҳужжатларига риоя этиши;**

**ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;**

**нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;**

**солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.**

**Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади"**.

Бироқ "Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси" (Сорос Фонди)нинг ваколатхонаси ўзининг кўпгина тадбирларини рўйхатдан ўтказган идорадан яширган. Бундан ташқари, пул маблағлари ҳам нотўғри сарфланган.

Шунингдек, ваколатхона томонидан бир неча марта мамлакатимиз шаънига нисбатан бўҳтон гаплар битилган адабиётлар тарқатишдан ташқари, давлатимиз нуфузига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар ҳам содир этилган.

Мазкур ваколатхона томонидан ўтказилган ўқув-ташвиқот, шунингдек, сиёсий хусусиятдаги, мазмун-моҳияти билан диний экстремистик гуруҳларнинг конституцияга зид фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган тадбирларни мутлақо оқлаб бўлмайди.

Юқорида қайд этилган сабаблардан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги "Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси" ваколатхонасини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этди.

Кези келганда яна шуни таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги қонунларимиз, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат кўзи билан қараган барча халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари ваколатхона ва филиалларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди ва амалий ёрдам кўрсатади.

Шу билан бирга соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида "Чегара билмас шифокорлар" (Голландия), «Конрад Аденауэр» ҳамда «Фридрих Эберт» номидаги фондлар, Гёте институтининг Тошкент филиали, Европа ва Шарқ мамлакатлари ўртасида маданий алоқаларни янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган "Буюк Ипак йўли" дастурини амалий ижроси билан шуғулланишда иштирок этаётган "Карвонсарой" (Франция) ваколатхоналари кенг кўламли ва самарали ишларни амалга ошираётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биз Халқаро ҳамкорлик бўйича Америка Агентлиги (ЮСАИД)нинг тадбиркорлик, тиббиёт, таълимни ривожлантириш юзасидан қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар бўйича лойиҳаларни амалга тадбиқ этиш юзасидан олиб бораётган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз.

Шунингдек, Россия саноатчилари ва тадбиркорлари иттифоқи ҳамда Россия ишбилармонлар маркази ваколатхоналари фаолияти ҳақида ҳам шундай ижобий фикрни билдириш мумкин.

Албатта, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Шу ўринда сиёсий партияларни рўйхатга олиш масаласи ҳақида икки оғиз сўз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 5 та сиёсий партия рўйхатга олинган: Ўзбекистон халқ-демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, "Фидокорлар" миллий демократик партияси ва ниҳоят, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси.

Мазкур партиялар Адлия вазирлигида "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтган. Бироқ баъзи бир хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситалари ва айрим ноҳукумат ташкилотлари тарқатаётган баёнот ва хабарларда, гўёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Эрк", "Бирлик", "Озод деҳқонлар" каби сиёсий тузилмаларни асоссиз равишда рўйхатга олишни рад этмоқда, деган даъволари ҳақиқатдан мутлақо узоқ.

Мен Адлия вазири, қолаверса, ҳуқуқшунос сифатида шуни айтишим керакки, бу хабарлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Шуни расман маълум қиламанки, Адлия вазирлигига, масалан, "Эрк" тузилмаси рўйхатдан ўтиш учун ҳеч қандай таъсис ҳужжатлари топширмаган.

***(Давоми иккинчи бетда)***




*Истиқлол иншоотлари*

**Ogohlikka da`vat**

## ҒУРУР ВА ХИЁНАТ

***Одам боласига эзгулик ва ёвузлик ҳамиша йўлдош бўлиб келган. Эзгулик йўлини танлаганлар тараққиётни олдга суриб, тарихда яхши ном қолдирган бўлса, нафс қутқусига учиб, ёвузликка қўл урганлар ўзларини абадул-абад лаънатга дучор этишган.***

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ёвузлик турли даврларда турли шаклларда инсоният ва тараққиётга таҳдид солган. Ҳозирги вақтда ёвузлик терроризм тимсолида ўзини намоён этмоқда. Бугун бутун дунё террор балосидан азият чекмоқда. Яқинда мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида рўй бериб ўтган мудҳиш воқеалар терроризмнинг қанчалик ёвузликка асосланганини, бу бало ўзининг чиркин мақсади йўлида ҳар қандай разолатдан қайтмаслигини яна бир марта кўрсатди.

Рўй берган бу воқеалар ҳар бир ақли расо кишини чуқур ўйлашга, ҳаётга, теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга очиқ кўз билан қарашга ундайди. Хўш, бу қора кучнинг қабиҳ муддаоси нимадан иборат? Бу каби кўпдан-кўп саволларга жавоб изланганда, бу разолатнинг негизида хиёнат деган иллат мавжудлиги, азбаройи нафс ва амал қутқусига учиб, ана шу қабоҳатга бўйин эгган кимсалар ёвуз ниятларини амалга ошириш учун қон тўкиш, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлиш, умуман айтганда, тинч ва осойишта ҳаётни бузишга уринаётганини илғаш қийин эмас. Бойлик ва ҳокимият учун юртига, халқига, ота-онаси, оиласи ҳамда яқинларига хиёнат қилган кимсаларнинг қўлидан фақат ёвуз қилмиш келади, холос...

Аслида хиёнатнинг катта-кичиги бўлмайди. Ватанга, ота-онага, дўстга, оилага, фарзандга хиёнат ҳамиша бирдек разолат саналади. Ҳар қандай хиёнатнинг остида чиркин манфаат ётади. Бошқача айтганда, нафс қутқусига учган кимса хиёнат туфайли ўз муддаосига етишни кўзлайди.

Тарихни эсланг: биргина Маҳмуд Яловочнинг хиёнати халқимизга қанчалик қимматга тушган?!.

Ҳолбуки, у ҳам шу юртнинг тузини ичган, бироқ нафс қутқуси, ҳокимият васвасаси уни тўғри йўлдан оздирган ва у мамлакат эшигини ёвга очиб берган. Тарих уни ана шу хиёнати учун ҳали-ҳануз лаънатлайди.

Соҳибқирон Амир Темур Олтин Ўрда хони Тўхтамишга кўп меҳр-мурувват кўрсатган. Амир Темур "Тузук"ларида бу ҳақда шундай ёзган: **"Тўхтамиш ўғлон илгари бизга ўғил мақомида эди..."**

Бу самимий эътироф замирида Соҳибқироннинг илиқ меҳрини илғаш қийин эмас. Зеро, Амир Темур Тўхтамишхонга ўз фарзандидан зиёд марҳамат кўрсатган. Бироқ минг афсуски, Тўхтамишхон яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтаради. Аниқроқ айтганда, у Қора Юсуф сингари ёвуз ва бузғунчи кимсалар билан тил бириктириб, Амир Темур салтанатидаги шаҳар ва қишлоқларга босқин уюштиради, раиятнинг ҳаловатини бузиб, юртда нотинчлик келтириб чиқаради.

Албатта, ҳеч қайси замонда хиёнат жазосиз қолмаган. Бунга Маҳмуд Яловоч ва Тўхтамишхоннинг аянчли қисматини мисол сифатида келтириш мумкин.

Тарих шоҳидлик берадики, ягона мушт каби жипс, аҳил ва тотув халқни ҳеч қачон ёв енга олмаган. Истилолар, юртни ғаним босиб олишига аксарият ҳолларда хиёнат сабаб бўлган. Чунки хиёнат шундай разил кучки, у ҳар қандай халқнинг қўл-оёғини ипсиз боғлаб қўйиши мумкин.

Бугун тинчлик ва осойишталигимизга раҳна солишга уринаётган, баъзи ёшларнинг онгшуурини заҳарлаётган бузғунчи ғоялар ҳам юртимизга ўз-ўзидан кириб келгани йўқ. Балки бунга ҳам орамизда яшаётган айрим кимсаларнинг хиёнати сабаб бўлган.

Очиғини айтганда, бугун "халифалик давлати қурамиз" дея сафсата сотаётган, мустақил фикрга эга бўлмаган баъзи ёшларни ана шундай разолатли қилмишга бошлаётган бузғунчи оқим раҳнамоларининг ўзи бу хомхаёлга ишонишмайди.

Хўш, унда бу олчоқ кимсаларнинг муддаоси нима?

Муддао шуки, юртимиз тинчлигини бузиш, тартибсизлик келтириб чиқариш ва сўнг ўзларининг чиркин мақсадларини амалга ошириш.

***(Давоми учинчи бетда)***

***Контрабанда — жамият ва давлатнинг ривожланиши учун тўсиқ бўладиган ижтимоий хавфли қилмишлардан биридир. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портлатиш қурилмалари, гиёҳванд моддалар каби ва бошқа олиб чиқиш ёки олиб кириш таъқиқланган ашёларни контрабанда қилиш жамият ва давлат учун катта хавф туғдиради. Шунингдек, товар ва бошқа моддий қимматликларни божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш ҳам мамлакат иқтисодиёти барқарорлигига путур етказади. Ички бозорда сифатсиз, истеъмолга яроқли бўлмаган маҳсулотларнинг айланишига замин яратади.***

***Хўш, қонунчиликда бу қилмишга нисбатан қандай жазо чоралари белгиланган?***

***Контрабанда жинояти мамлакатимиз Жиноят кодексининг жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар тизимига киритилган. Мазкур фактга асосан контрабанда жиноятининг объекти жамият хавфсизлиги, тартиби, ҳокимият идораларининг меъёрий фаолияти, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.***

## КОНТРАБАНДА: ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

**Huquqiy ma`rifat**

Жиноят кодексининг 246-моддаси 1-қисмига асосан контрабанда, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириниб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, деклорациясиз ёки бошқа номга ёзилган деклорациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психатроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни божхона чегарасидан ўтказиш беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Мазкур модданинг 2-қисмига биноан ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психиатроп моддаларни кўп микдорда контрабанда қилиш ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу моддага уч марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Мазкур жиноятга алоқадор фактлар юзасидан асосий тушунтиришлар Олий суд Пленуми томонидан 1996 йил 27 февралда қабул қилинган **"Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"**ги 2-сонли қарорда ўз ифодасини топган. Шунингдек, «Божхона» кодексида ҳам мазкур жиноятга бевосита алоқадор тушунчалар баён этилган.

Жиноят кодексининг 246-моддасида **«божхона чегарасидан ўтказиш"** тушунчасига алоҳида эътибор берилган.

***(Давоми учинчи бетда)***

***Касб-ҳунар коллежларини ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш юзасидан ўтказилган Республика тендерида барча даъвогарларни ортда қолдирган "KROKUS LYUKS" хусусий фирмаси ғолибликни қўлга киритди.***

## ҚАЙТАРИБ ОЛИНГАН ЖАРИМА

"KROKUS LYUKS" хусусий фирмаси тендер ғолиби сифатида Финляндиянинг "SEGREX LTD OY" компанияси билан 2002 йил 16 декабрда 1/В-02 ва 2003 йил 12 февралда 2/В-03 рақамли импорт шартномаларини тузиб, ўқув лаборатория жиҳозлари, мактаб мебелларини белгиланган муддатларда Тошкент шаҳрига етказиб келди. Кейинчалик мазкур ўқув жиҳозлар вилоятлардаги капитал қурилиш бошқармалари орқали касб-ҳунар коллежларига тарқатилди.

Бироқ жаҳон андозалари асосида қурилган илм масканларига замонавий ўқув лаборатория жиҳозларини етказиб бераётган фирма ходимларининг қувончи узоққа чўзилмади. Бюджет маблағлари ҳисобидан буюртмани бажараётган "KROKUS LYUKS" хусусий фирмаси бож тўловлари юзасидан берилиши лозим бўлган имтиёзлардан маҳрум этилди. Фирма раҳбариятининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига қилган мурожаатлари самара бермади. Натижада "KROKUS LYUKS" хусусий фирмасидан 45.565.596-69 сўм божхона божи, 5.004.031-80 сўм акциз солиғи, 39.068.937.88 сўм қўшимча қиймат солиғи — жами 89.848. 34659 сўм божхона тўловлари ундириб олинди.

Шундан кейин ҳам ўз талабининг ҳақлигига қатъий ишонган "KROKUS LYUKS" хусусий фирмаси директори ҳақиқатни юзага чиқариб, тўланган маблағларни қайтариб олиш учун идорама-идора қатнай бошлади. Ахир, нафсиламбирини айтганда, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ноқонуний ундириб олган пулга яна қанча-дан-қанча ўқув масканларини замонавий ўқув лаборатория асбоб-анжомлари билан жиҳозлаш мумкин эди-да...

Очиғини айтганда, тадбиркорнинг арзига Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари жиддийроқ эътибор беришганда, ҳеч шак-шубҳасиз, ойлаб чўзилган можарога аввал-бошдаёқ якун ясалган бўларди. Лекин айрим ваколатли идоралар томонидан тадбиркор фикрини менсимаслик ҳол-

**Ajab savdolar**

лари баъзан бўлса-да, учраб турибди. Яна бир ачинарли томони шундаки, баъзи бир масъул ходимлар хизмат вазифасига дахлдор бўлган қонун ва қарорларни, меъёрий ҳужжатларнинг асл моҳиятини етарлича билмайди. Ўқиш бошқа, уқиш бошқа деганларидек, битта ҳужжат матнини турлича изоҳлаш ёки талқин этиш янглиш хулосаларга, энг ёмони, қонунбузилиш ҳолатларига олиб келиши аниқ.

Ниҳоят, "KROKUS LYUKS" хусусий фирмаси директори Адлия вазирлигига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Унинг аризасида шундай жумлалар бор: **"...Импорт шартномаси асосида "KROKUS LYUKS" хусусий фирмаси касб-ҳунар коллежларининг химия, физика, лингафон кабинетларига ўқув-лаборатория жиҳозлари етказиб бермоқда. Харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.**

***(Давоми иккинчи бетда)***

# БАҲО БЕРИШ ҲУҚУҚИ ХАЛҚҚА ТЕГИШЛИДИР

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Бу мутлақо асоссиз баёнот ва чалғитишдан кўзланган мақсад шуки, Ўзбекистонда **“Сиёсий партиялар тўғрисида”**ги қонун бузилаяпти, деган иғвогарона гапни тарқатишдир. Бу баёнотларнинг барчаси иғвогарлик мақсадида амалга оширилмоқда, дейишга тўлиқ асос бор. Бундан ташқари, Ўзбекистон халқи бу ноқонуний тузилманинг раҳбарлари, хусусан, унинг етакчиси Муҳаммад Солиҳнинг жиноий қилмишларидан яхши хабардор. Бу кимса Тошкент шаҳрида 1999 йил 16 февралда содир этилган мудҳиш террорчилик актларининг ташкилотчиларидан бири бўлган. Мазкур ҳодисага тааллуқли жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнида бу ҳол тўлиқ ўз исботини топган. Яъни 1998 йилнинг декабр ойида Қобул шаҳрида Солиҳ қонуний жазодан қочиб юрган Т.Йўлдошев, Ж.Ҳожиев (Жума Намонгоний) билан бирга давлат раҳбарларини ўлдириш ва «Ўзбекистон Ислом ҳаракати» жангариларини юртимиз ҳудудига қуролли ҳужум уюштириш орқали ҳокимиятни эгаллаш сингари қабиҳ режани ишлаб чиққан. Аммо бу ёвуз режа қабиҳ жиноят ташкилотчиларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга ошмай қолди. Ўзбекистон Олий Суди ҳукмига кўра, бошқа жиноятчилар қатори М.Солиҳга 15 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Ҳозирги пайтда бу кимса Европа давлатларининг бирида яшириниб юрибди ва уни Интерпол ташкилоти қидирмоқда. Юқорида қайд этилган “Фридом Хауз”, Миллий демократик институт, шунингдек, Халқаро демократик институтнинг ваколатхоналари фаолияти, юмшоқ қилиб айтганда, кишини ҳайратга солади. Чунки мазкур ваколатхоналар ходимлари бу ноқонуний тузилманинг етакчиси ҳануз М.Солиҳ эканини била туриб, уни турли хил йўсинда қўллаб-қувватламоқда ва бу ташкилотни расмий рўйхатдан ўтказишга уринишмоқда. Эҳтимол, бу жаноблар қандай ишга қўл ураётганини, хавфли жиноятчиларни ҳимоя қилиб, ғамхўрлик кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларини қўпол равишда бузаётганини англаб етмаётгандир.

Экстремистик кайфиятдаги бундай норасмий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш ва уларни қаноти остига олиш алоҳида вазиятларда мамлакатимиздаги демократик тараққиёт ва барқарорликка жиддий хавф солиши турган гап. Бундай хатти-ҳаракат Ўзбекистон Республикасининг ички ишига аралашишдан бошқа нарса эмас ва амалдаги қонунчиликка мутлақо зиддир.

Адлия вазирлиги “Бирлик” тузилмасини рўйхатдан ўтиш учун топширган ҳужжатларини кўрмасдан қолдирди. Чунки бу сиёсий тузилма атрофига гўёки бирлашиш истагини билдирган фуқароларнинг имзолари оммавий тарзда қалбакилаштирилгани аниқланди. Мисол учун 448 та имзо текшириб кўрилганда, унинг 329 таси қалбаки бўлиб чиқди. Таъсис ҳужжатлари ҳам қонунчилик талабларига мутлақо зиддир.

Бундан ташқари, бу тузилманинг бузғунчилик фаолияти 1990 йилнинг бошларида рўй берган воқеалардан ҳам яхши маълум. Ўшанда бу тузилманинг вакиллари бир гуруҳ ёшларни мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш мақсадида йўлдан урган эди.

“Озод деҳқонлар партияси” деб аталмиш тузилманинг Адлия вазирлигига топширган ҳужжатлар таҳлили ҳам ҳужжатлар қалбакилаштирилгани, низом ва бошқа таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мутлақо жавоб бермаслигини яққол кўрсатди. Шунинг учун бу ҳужжатлар кўрилмасдан қолдирилди.

Бизга аёнки, бу тузилмалар ҳақиқий ижтимоий қўллаб-қувватлашдан маҳрум бўлгани сабабли ўз хайрихоҳларининг етарли имзосини тўплай олмаган.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, Адлия вазирлиги жуда кўп ҳолатда фуқароларнинг имзоларини қалбакилаштирган айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда рўйхатга олинган, бироқ фаолияти атай қандайдир мустақил партияларни излаб топиш ёки шундай тузилмаларни шакллантиришга қаратилган чет эл нодавлат ташкилотлари ваколатхоналари эътиборини шунга қаратишни истардимки, улар томонидан содир этилган бундай хатти-ҳаракат Ўзбекистонда бу йўналишда олиб борилаётган сиёсатга таъсир қилиб, миллий қонунчилик талабларини очиқ-ошкор бузиш ҳисобланади. Албатта, биз бу ташкилотлар билан келгусида ҳам ҳамкорлик қилишга, агар улар қонунчилигимизнинг бу талабларини билмаса, ўргатишга ҳам тайёрмиз.

Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади: баъзи одамлар қайси мезонлардан келиб чиқиб, бу партия мустақил, буниси ҳукуматники, бу эса мустақил ва демократик эмас, дея баҳо бермоқда? Умуман айтганда, ким уларга қозилик қилиш ва бундай бирёқлама баҳо бериш ҳуқуқини берган?

Ахир, ҳукумат партиялари дунёнинг ҳар бир тараққий этган давлатларида борлигидан уларнинг хабари йўқми? Лекин бу ҳол уларнинг фаолиятини демократияга зид дейишга изн бермайди.

Яна шуни эслатиб ўтиш жоизки, Конституцияга мувофиқ, муайян партияга баҳо бериш ҳуқуқи фақат халқимизга тегишлидир. Ва бу ҳуқуқ сайловлар жараёнида тўлиқ намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда **“Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида”**ги қонунга биноан, 2004 йил декабр ойининг учинчи ўн кунлигида бўлиб ўтадиган Парламент сайловларига тайёргарлик жараёни кетмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунда сайловда иштирок этадиган барча партияларга тенг имконият яратиб бериш ҳақидаги умумэътироф этган демократик меъёрлар ўз ифодасини топган.

Адлия вазири сифатида шуни таъкидлайманки, бугун сайловларга тайёргарлик тадбирлари мамлакатимиз қонунчилиги, хусусан, Олий Мажлиснинг охирги сессиясида қабул қилинган “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун доирасида олиб борилмоқда. Бу қонунга мувофиқ партияларнинг низом фаолияти ва сайловлардаги иштирокини молиялаштириш мутлақо ошкора ва аниқ ҳисобли бўлиши шарт. Бу фаолиятни чет эл манбаларидан молиялаштириш ва моддий қўллаб-қувватлашга йўл қўйилмайди. Қонуннинг бу талабларидан келиб чиқиб, ким, қаердан, қанча маблағ олгани, бу маблағнинг қанчасини мақсадли ёки қанчасини мақсадсиз сарфлаганини аниқ кўрсатиши шарт.

Албатта, барча сиёсий партиялар қонуннинг бу талабларига оғишмай амал қилиши зарур. Биз ишонамизки, бўлажак сайловлар мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига мувофиқ тарзда ўтади.

---

Anjuman

# ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ: ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ

***Тадбиркорликни ривожлантириш бугунги кунда давлатнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади ва ушбу вазифанинг амалга оширилиши, энг аввало, фуқаролик қонунчилиги самарадорлигини оширишни таъминловчи қонунчилик базасини яратиш, ундаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини яратиш билан боғлиқ.***



Шу йил 19 май куни Адлия вазирлигида “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси янги таҳрирининг концепцияси” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур давра суҳбатига Ўзбекистон, Германия ҳамда Япониянинг нуфузли олимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг мутахассислари, жамоат бирлашмалари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Бу давра суҳбати фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштириш ҳақидаги фикрларни муҳокама этиш, бу борадаги хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ўзаро фикр алмашиш мақсадида ташкил этилди.



Давра суҳбатида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришнинг халқаро тажрибаси ва фуқаролик қонунчилигининг Ўзбекистондаги аҳволи ҳақидаги маърузалар тингланди.

Фуқаролик кодексини қайта кўриб чиқиш тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи тарқоқ ҳолдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиқ этилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, шунингдек, мазкур меъёрий ҳужжатларни қўллаш амалиётини умумлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Давра суҳбатида таъкидландики, иқтисодий муносабатларда ўзига хос конституция саналган Фуқаролик кодекси мамлакатимизда ҳали бугунги баъзи муносабатлар юзага келмаган 1996 йилда қабул қилинган эди. Шу боис бу муносабатлар янги Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топиши керак. Умуман айтганда, ҳозирги Фуқаролик кодексида хусусий мулк ҳуқуқининг умумий конструкцияси яратилган. Аммо унинг барча меъёрларида хусусий мулкка таъсир кўрсатадиган бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари ўз ифодасини топмаган.

*Давра суҳбати чоғида кўтарилган масалалар мутахассисларнинг тадбиркорликка оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича келгуси ишларида ёрдам беришга хизмат қилиши шубҳасиз.*

**Дилноз МУРТОЗАЕВА**

---

Huquqiy yordam

***Пудратчи ким? Бунга ҳар соҳада ўзига яраша жавоб бор. Масалан, қурилиш, саноат, транспорт, маиший хизмат ва ҳоказоларнинг пудратларидан ҳеч бири қишлоқ хўжалиги пудратига ўхшамайди. Яна оилавий пудрат экан-да. Нима ҳам дердингиз. Гапнинг индаллоси ширкат хўжалиги раисига қишлоқ хўжалигидаги оилавий пудрат бироз ҳақ-ҳуқуқсизроқ ҳам кўринди, шекилли, янги йил келганда бир баҳона топиб, пудратчи билан бу йилга қайта шартнома туздирмай қўя қолди.***

# ПУДРАТЧИ ЕРИНИ ОЛДИ

“Шўрўзак” ширкат хўжалигининг раиси У. Искандаров истаса четга суриб кетаверадиган пудратчи қарамоғида эса 17 жон бор экан.

Сиз тасаввур қилаяпсизми, икки йилдан буён ҳақ ололмаётган пудратчининг оиласида 17 жон унинг топиш-тутишига умид қилиб турибди. Агар шу ширкат раиси У. Искандаровдан бошқа инсофлироқ одам бўлганида, икки йилдан буён ҳақ олиб беролмагани учун уятдан... хуллас, нима бўлса бўларди. Лекин у ундай одамлардан эмас экан. 2002 йилдан 2004 йилгача ички хўжалик шартномаси тузилганлигига қарамасдан, бу йил учун пудратчи билан яна алоҳида йиллик шартнома туздирмай қўя қолди.

Қандай қилиб дейсизми? Ҳаммаси оғзаки бажарилган. Кимгадир, қачондир пудратчи Одил Исматов билан шартнома тузмаслик ҳақида оғзаки кўрсатма берган. Яна унинг оғзаки кўрсатмасига биноан, 12 гектар ғалла майдони бошқа пудратчига бериб юборилган. Бунга сабаб нима эди? Пудратчининг ўзи ёзишича, хўжаликдаги тозалик ҳашарига қатнаша олмаган. Хўжалик бош ҳосилоти Д.Наврўзов, бош мироб Қ.Ботиров ва бош пудратчи К.Болбековнинг бу ҳақдаги фикрлари сал бошқачароқ. Улар пудратчи қарамоғидаги “далада кузги-қишки тадбирлар, яъни ариқ-зовурларни тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бир неча бор айтилганига қарамасдан, топшириқларни бажармади... бирор чора кўришингизни сўраймиз” деб раис номига хат ёзишганди. Ушбу хатнинг натижаси эса маълум.

Кўп ўтмай ширкат хўжалигида раис алмашди. Бир ойча раис вазифасини бажарувчи бўлиб турган Жўрабой Умрзоқов 205-контурдаги ғалла майдони эгаси ким, нима учун яхоб суви берилмаган, деб сўради. Кимдир бу жой Б.Норовга берилган, деди. Шу билан Б.Норовга сув очиш тўғрисида наряд берилди. Шундан сўнг хўжаликкка Д. Наврўзов раис бўлди. Унинг олдига пудратчи О.Исматовнинг отаси келиб еримизни қайтариб беринг, деб илтимос қилди. Бироқ раис бу ер бировга берилибди, энди бошқа бўлимдаги ердан олишингиз мумкин, деди. Бунга қария рози бўлмади. Иш охири адлия бошқармасига етиб борди.

Шундан сўнг адлия бошқармаси ходимлари бундай оворагарчилик боисини суриштиришга киришдилар. Маълум бўлишича, шу вақтгача, яъни орадан уч ойдан кўп вақт ўтганига қарамасдан, ҳамон ишлар оғзаки тарзда давом этаётган экан. Яъни аввалги раис кимгадир оғзаки топшириқ берган, кейингиси олдингисидан хабари йўқ, учинчиси эса бировга ер бермаган, бировдан ер ҳам олмаган. Январ ойидаги раис У.Искандаров пудратчи О.Исматовнинг ери кимга олиб берилгандан хабарим йўқ, деб ёзиб берди. Унда айбдор ким бўлади? Демак, ички хўжалик шартномаси ҳалигача расмийлаштирилмаётгани учун ҳам айбдор раис Д. Наврўзов бўлиб чиқаяпти. Шу боис вилоят адлия бошқармаси бошлиғи номидан “Шўрўзак” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Д.Наврўзовга қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантиришнома киритилди. Натижада ҳамон оғзаки юритилаётган иш барҳам топди. О.Исматовдан ер майдонини олиб қўйиш ҳақида хўжалик кенгашининг қарори ҳам чиқарилмаган экан. Ўз ерига О.Исматов яна пудратчи сифатида эгалик қиладиган бўлди.

**Абдимурот ҚЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

---

Mulohaza va tahlil

*Ҳаётда оддий қонун талабларининг бузилиши кўпгина сарсон-саргардонлик, беҳуда асаб бузиш, оворагарчиликларни келтириб чиқаради. Энг ёмони, бундай қонунбузилиш ҳолатлари ўз вақтида бартараф этилмаса, турли юқори идораларга шикоят ёзиш авж олади. Буни оқдарёлик Алишер Бобонов мисолида кўриш ҳам мумкин.*

# ОЗОР ЕГАН НАФСОНИЯТ



Алишер Бобонов “Зарафшон” чакана савдо корхонаси раҳбари. У аудитор томонидан қонун талаблари бузилаётганини маълум қилиб, ёрдам сўраб Адлия вазирлигига мурожаат этган эди. Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ходимлари А.Бобоновнинг аризаси юзасидан текшириш ўтказишди, “Ҳисоб” аудиторлик фирмаси аудитори қонунбузилишларга йўл қўйганини аниқлашди. Шундан сўнг аудитор Х.Раҳимов ишдан бўшатилди.

Воқеа аслида бундай бўлган. 2002 йилнинг 11 декабрида Оқдарё туманидаги 63-махсус интернат “Зарафшон” чакана савдо корхонасига маҳсулот олиш учун 1-рақамли тўлов топшириғи билан 403 минг 200 сўм пул кўчирган. Орадан беш кун ўтгач, 16 декабрда 60 минг 250 сўмлик, 2003 йилнинг 10 февралида 342 минг 915 сўмлик маҳсулотлар олган. Бу билан икки томон ўртасидаги ҳисоб-китоб қонуний якун топган.

Вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими шу йилнинг бошида махсус интернат раҳбари ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғаган. Бу пайтда қарама-қарши текшириш ўтказишга зарурат туғилади. Терговчининг “Қарама-қарши текшириш ўтказиш ҳақида”ги қарори билан бу иш “Ҳисоб” аудиторлик фирмаси аудитори Х.Раҳимовга юклатилади. Аудитор Х.Раҳимов “Зарафшон” чакана савдо корхонасига бориб, қарама-қарши текшириш ўтказиш ҳақидаги қарорни тақдим этади. Махсус интернат билан чакана савдо корхонаси ўртасида 403 минг 200 сўм миқдоридаги иқтисодий алоқага боғлиқ барча ҳужжат нусхаларини олиб, бу ҳақда тегишли далолатнома тузади.

Лекин Х.Раҳимов текширишга чиқишга рухсат берувчи аудиторлик фирмасининг буйруғи ва шартнома нусхасини кўрсатмайди. Корхонада юритилаётган **“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”**ни тўлдирмайди. Бу эса А.Бобоновнинг норозилигига сабаб бўлади.

Энди иккинчи мисолга эътибор беринг. Булунғур туманидаги А.Маҳсумов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи тадбиркор Аббос Ҳамроев хўжаликнинг 12-бригадаси ҳудудидаги 10 гектар токзорни биржа савдоси орқали 550 минг сўмга пул кўчириш йўли билан сотиб олади. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Н.Норматов билан тадбиркор ўртасида шу йилнинг 17 мартида 4/034-сонли олди-сотди шартномаси имзоланади.

Бироқ сотилган токзорни А.Ҳамроевга бериш навбати келганда ширкатдагилар ғирромлик қилишади. Аниқроғи, бу ишни пайсалга солишади. Аббос Ҳамроев энди токзорнинг эгаси. Уни тезроқ қабул қилиб олиш ва токларни очиши керак. Кўмилган жойида токлар куртак чиқарса, вақтида очилмаса, ҳосил йўққа чиқади ва тадбиркор зарарга ишлашга тўғри келади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Агар токзорни А.Ҳамроев эмас, балки ширкат хўжалиги раҳбарларидан биронтаси хусусийлаштириб олганида, токларни очиш вақти ўтиб кетаётганидан ташвишланишмаслиги мумкинмиди? “Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди” дегани шумикин? Хўш, токзор А.Ҳамроевнинг мулки бўлса ҳам у қанчалик мўл ҳосил берса, юртга фойда эмасми? Зеро, халқимиз дастурхони тўкинлиги учун ҳаммамиз масъул эмасмизми?!

Хуллас, шартнома тузган раҳбарларнинг бепарволигидан ташвишга тушган тадбиркор кўмак сўраб, адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия бошқармаси ходимлари иштирокида шу йилнинг 21 апрелида А.Ҳамроевга тегишли 10 гектар майдондаги токзор тадбиркорга олиб берилди.

Биринчи воқеада Х.Раҳимов аудиторлик фирмаси буйруғи ва шартнома нусхасини кўрсатмади. **“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”**ни тўлдирмади. Бу билан у қонунларни менсимаслигини кўрсатди. Унинг оқибати ўзига ортиқча бино қўйган Х.Раҳимовнинг ишдан бўшаши билан якун топди. Иккинчи мисолда тадбиркор А.Ҳамроев лафзсизлик ортидаги тўсиққа рўбару келди. Ҳар икки ҳолатда ҳам тадбиркор ҳуқуқи поймол этилиб, муайян вақт сарсон-саргардонликка дуч келинди.

Бу эса тадбиркорларнинг нафсониятига тегди. Қонун устувор бўлган жамиятда такаббурлик, манманлик, масъулиятсизлик ҳеч қачон кечирилмайди. Кимки қонунларга қатъий амал қилса, эл олдида обрў топади. Жамият ва халққа нафи шунчалик кўп тегади. Акс ҳолда эса баён этилгани сингари мулзам бўлиб қолишлари тайин.

**Сафар ТОҒАЕВ,**
**Пирмамат БОБОМУРОДОВ,**
**ҳуқуқшунос**

---

Saboq

# ЧОРА ҚАТТИҚ, ЛЕКИН АДОЛАТЛИ

***Банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар қонун билан тартибга солинади. Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинган барча меъёрий ҳужжатлар банк муассасаларига тўлиқ етказилган. Уларни ўрганиш бўйича банк ходимлари ўртасида бир неча бор ўқув-семинарлар ўтказилган.***

Шундан сўнг ҳам банк ходими қонун талабларини бузса, сиз бунга қандай қарайсиз? Иш столида турган меъёрий ҳужжатларга амал қилмаган, қонунбузилишларга йўл қўйган ходимга қандай чора кўриш керак?

Яқинда Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходимлари “Халқ банки”нинг Пахтакор туман бўлимида **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”**ги қонун ва тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан ўрганиш ўтказишди.

Ҳеч кимга сир эмаски, тадбиркорлик субъекти банкдаги маблағига ўзи хўжайин. Унинг розилигисиз банкдагилар бир иш қилиши мумкин эмас. Лекин бу ерда шу йилнинг 11 мартида 5-сонли тўлов топшириқномаси билан “Бўтанов Шойзоқ” фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан 39 минг 820 сўм маблағ Н.Мажидованинг ўқишига ўтказиб юборилган. 8 апрелда “Кенлида” фермер хўжалигининг 23 минг 900 сўм пули “Дўстлик” нефт базасига, 47 минг 900 сўм маблағ эса Пахтакор туман “Агрокимёташминот” акциядорлик жамиятига фермернинг розилигисиз ўтказиб берилган. Бу билан банк ходимлари **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонуннинг 21-моддаси талабларини қўпол равишда бузишган.

Бундан ташқари, банк бўлимида якка тартибдаги тадбиркор М.Қўшбоқовага бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ўтган йилнинг 23 декабрдаги аризасига асосан кредит ажратишда яшаш жойидан, иш ҳақидан ва даромадлари бўйича маълумотномалар ортиқча талаб қилиб олинган. Бу каби қонунбузарликлар банк ходимлари томонидан яна учта тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратишда такрорланган. Шунингдек, муассаса ходимлари томонидан **“Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоб варақлари тўғрисида”**ги Йўриқнома талабларини ҳам қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган.

Адлия бошқармаси баён этилган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда айбдорларга интизомий чора кўришни сўраб тақдимнома киритмоқчи эди. Бироқ бунга ҳожат қолмади. Ўрганиш маълумотномаси нусхасини олган банк раҳбарияти камчиликларни тўлиқ бартараф этиш ва бошқа бундай ҳол қайтарилмаслиги юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишди. Адлия бошқармасига “Халқ банки”нинг Пахтакор тумани бўлими бошқарувчиси имзоси билан келган расмий жавобда айтилишича, банк бўлими қарз бериш бўлими бошлиғи Б.Усмонов ва бош ҳисобчи ўринбосари У.Умрзоқовлар эгаллаб турган вазифаларидан озод этилган. Бош ҳисобчи А.Равшановнинг май ойи иш ҳақидан 20 фоиз жарима ушлаш белгиланган.

Хуллас, қонунбузарликка адолатли чора кўрилган. Бу билан кимнингдир обрўсига соя ташлаш фикридан тамомила узоқмиз. Мақсадимиз шуки, бундай ҳол бошқа жойда учрамасин, ўзгаларга сабоқ бўлсин.

**Мирзабек ЁҚУБОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

---

Ajab savdolar

# ҚАЙТАРИБ ОЛИНГАН ЖАРИМА

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ, бюджет буюртмаси бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан мамлакатимизга келтириладиган жиҳоз ва товарларни божхона тўловларидан озод этиш белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси 2002 йил 1 августдан бошлаб ўқув-лаборатория жиҳозлари учун божхона тўловларини ундириб олмоқда. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига биз бир-неча марта мурожаат қилиб, бюджет ташкилотлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан олиб келинаётган ўқув-лаборатория жиҳозлари истеъмол товари эмаслигини тушунтирмоқчи бўлдик. Лекин натижа чиқмади. Мисол учун айтсак, химия кабинетидаги ўқув-лаборатория мебелини истеъмол товари сифатида ошхона мебелига тенглаштириб бўлмайди-ку?..

Қисқаси, чет элдан олиб келинган ўқув-лаборатория жиҳозларини истеъмол товари сифатида тоифалаштиришни асоссиз деб ҳисоблаймиз”.

Ариза юзасидан ўрганиш олиб борган Тошкент шаҳар адлия бошқармаси кўрсатилган импорт товарлари божхона томонидан расмийлаштириш вақтида тадбиркорлик субъектининг бож тўловлари бўйича қонун билан кафолатланган имтиёзлари асоссиз равишда чекланган, деган хулосага келди.

Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги **“1999-2005 йилларга мўлжалланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини моддий-техника базасини ривожлантириш ва молиялаштириш дастури тўғрисида”**ги 406-сонли қарорининг 6-бандига мувофиқ, умумтаълим ўқув юртлари учун четдан олиб келинган ўқув-лаборатория жиҳозлари бож тўловларидан озод қилинган. Таъкидлаш лозимки, қарорнинг 6-банди ҳамон ўз кучини сақлаб қолган. Мазкур имтиёзлар Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги 338-сонли қарорида ҳам ўз тасдиғини топган.

Иккинчидан, Солиқ кодексининг 71-моддасида махсус банд билан бюджет ташкилотлари буюртмаси бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан мамлакатимизга олиб келинган жиҳоз ва товарлар қўшимча қиймат солиғидан озод этилиши кўрсатилган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 80-моддасининг иккинчи бўлимида юқоридаги ҳолатларда акциз солиғи қўлланилмаслиги қайд этилган.

Хуллас, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси юқоридагиларни ҳисобга олиб, Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг номига 2003 йил 15 сентябрда 22/437 рақамли қонунчилик талабларини бажарилиши мажбурийлиги тўғрисида тақдимнома киритган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур масала юзасидан божхона бошқармаси раҳбарияти ўзларининг ҳақ эканликларини исботлашга кўп бора ҳаракат қилди.

Албатта, биз Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси мутасаддилари масалани атай чигаллаштиришди, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Аксинча, томонлар ўз фикрини айтиши, хулосалар чиқариши табиий жараён. Чунки иш бор жойда хато ва камчиликлар ҳам бўлади. Лекин адолат юзасидан айтадиган бўлсак, қонунни нотўғри талқин қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўз фикрига танқидий ёндашиш, ўқиб-ўрганиш ҳеч қачон зарар қилмайди.

Хуллас, ёзишмалардан натижа чиқмагач, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси 2003 йил 7 ноябрда “KROKUS LYUKS” хусусий фирмасининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб, Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасидан 89.848.346-59 сўм маблағни ундириш юзасидан Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси киритди.

2003 йил 22 декабр куни бўлиб ўтган Тошкент шаҳар хўжалик судининг мажлисида даъвони қаноатлантирмаслик тўғрисида қарор қабул қилинди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2003 йил 22 декабрдаги қароридан норози бўлиб, яна Тошкент шаҳар хўжалик судига 2004 йил 7 январда апелляция тартибида шикоят киритди.

2004 йил 5 феврал куни Тошкент шаҳар хўжалик судининг судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида апелляция шикояти кўриб чиқилди.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди ҳисобга олмаган далилларни ҳам аниқлаб, атрофлича кўриб чиқди ва апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 2003 йил 22 декабрда қабул қилинган қарор бекор қилинди.

Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳисобидан “KROKUS LYUKS” хусусий фирмаси фойдасига 89.848.346.59 сўм, жумладан, 45.565.596.69 сўм божхона божи, 5.004.031.80 сўм акциз солиғи, 39.068.973.88 сўм қўшимча қиймат солиғи ундириладиган бўлди.

Апелляция инстанциясининг қароридан норози бўлган Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси Олий хўжалик судига кассация шикояти билан мурожаат қилди.

Олий хўжалик судининг судлов ҳайъати 2004 йил 9 апрелда ушбу масалани кўриб чиқиб, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2004 йил 5 февралдаги апелляция инстанцияси қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг кассация шикоятини қаноатлантирмасликни лозим топди.

Шундай қилиб, бир неча ой давом этган тортишув ниҳоят ечимини топди ва тадбиркорнинг қонуний ҳуқуқи тикланди. Унга мададкор бўлган Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходимлари айни пайтда қонунбузилишига йўл қўйган божхона ходимларидан моддий ва маънавий зарарни ундириш учун ҳужжатлар тайёрламоқда.

Мазкур воқеадан нафақат божхона тизими ходимлари,балки барча ваколатли идоралар мутасаддилари жиддий хулосалар чиқариб олади, деган умиддамиз. Зеро, муайян қонун ҳужжатларини ижроси учун масъул бўлган соҳа мутасаддилари уни яхши билиши ва тўғри талқин қилиши шарт.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Huquqiy ma`rifat

# КОНТРАБАНДА: ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

«Божхона» кодексининг 7-моддасига мувофиқ, божхона чегарасидан ўтказиш деганда, товар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усул билан божхона ҳудудига олиб кириш ёхуд олиб чиқиш, шу жумладан, халқаро почта йўлланмалари орқали жўнатиш, қувур ўтказгич транспорти ёки электр узатиш линияларидан фойдаланишга қаратилган ҳаракатларнинг содир этилиши тушунилади.

Товар ёки транспорт воситаларини божхона ҳудудига, шу жумладан, эркин бозор ва омборлар ҳудудидан олиб кириш ва олиб чиқиш чоғида божхона деклорациясини тақдим этиш, товар ёхуд транспорт воситаларини олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга қаратилган ўзга ҳаракатлар бажарилади.

Жиноят кодексининг 246 ва 182-моддасида ашёларни товар ва бошқа товар қимматликларни божхона назоратидан яшириб, божхона назоратидан қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда уларни хуфя жойлардан ҳамда топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёки бир турдаги ашёни иккинчисининг кўринишини бериб ўтказишга тегишли жавобгарлик белгиланган.

Қонунчиликда ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказиш учун асос тарикасида қалбаки ҳужжатларни, қонунга хилоф йўллар билан олинган ҳужжатларни ёхуд ёлғон маълумотлар ёзилган ҳужжатларни божхона назоратига тақдим этиш ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деб баҳоланади. Шунингдек, божхона қонунчилигида божхона идентификация воситалари деганда сурғичлаш, муҳрлаш, рақамли, ҳарфли ва бошқа тамғалар, идентификация белгиларни қўйиш, штамплаш, намуна ва нусхалар олиш, товарларни ва бошқа қимматликларни хатлаш, чизмалар тузиш, микёсни тасвирлаш, фотосуратлар, расмлар тайёрлаш, товарлар билан бирга юбориладиган ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш ва ҳоказолар тушунилиши қайд этилган.

Айрим шахсларнинг мамлакатимиз ёки ўзга давлатлар божхона идоралари томонидан тадбиқ этилган идентификация воситаларини ўзгартириш, йўқ қилиш, бузиш ёхуд йўқотиши билан боғлиқ ҳаракатлари божхона идентификация воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланишга мисол бўлади.

Жиноят кодексининг 246-моддасида қайд қилинган контрабанда ашёларини ёхуд 182-моддасида кўрсатилган товар ёки бошқа қимматликларни декларацияга киритмаслик ёки ўзгача ном билан деклорацияга киритиш тушунчаси шахсларнинг чегарадан ўтказилиши лозим бўлган контрабанда ашёларини ёхуд товар ёки бошқа моддий қимматликларни декларация қилиш тартибини бузиши билан боғлиқ ҳаракатлари, яъни божхона қонунчилигида белгиланган деклорация қилиш формаси ва жойи, уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, деклорация ва бошқа қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги талабларга риоя этмаслик, шунингдек, унинг ҳудуддан олиб чиқилаётган контрабанда ашёлари, товар ёки бошқа қимматликларнинг тури, сони хусусида деклорацияга сохта маълумотлар киритишда ўз аксини топган.

Билиб туриб қалбаки ҳужжат тузган, ҳужжатга ёхуд била туриб олган қалбаки ҳужжатига сохта маълумотлар киритган ва уни божхона идораларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс жиноятлар мажмуи бўйича Жиноят кодексининг 209 ва 228-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодексининг 246 ва 182-моддаларида кўрсатилган контрабанда ашёларини, товар ёки бошқа қимматликларни ўтказиш улар ҳақиқатдан ҳам чегарадан қонунга хилоф равишда ўтказилган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 246-моддаси иккинчи қисми учун бўлган хусусият бу тегишли моддаларни божхона чегарасидан кўп миқдорда олиб ўтишдир. Кўп миқдор дейилганда энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор ташкил этишини назарга тутиш лозим. Контрабанда қилинган гиёҳвандлик воситалари ва психатроп моддаларнинг миқдори ҳар бир алоҳида ҳолда тегишли давлат идорасининг хулосаси билан аниқланади.

Шахс Жиноят кодексининг 246-моддасида қайд этилган ашёларни контрабанда қилиш ёхуд 182-моддасида кўрсатилган товар ёки бошқа қимматликларни чегарасидан ўтказиш билан бир қаторда бошқа (масалан, қонунга хилоф равишда ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини эгаллаш ёки уларга эгалик қилиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психатроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва ҳоказо) жиноятларни содир этган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи билан малакаланади.

Жиноят процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ контрабанда ашёлари ёхуд товар ёки бошқа қимматликлар (далилий ашё тарикасида) мусодара қилиниши шарт. Шунингдек, хусусий (шахсий) мулк ҳуқуқи бўйича айбдорга тегишли бўлган ташиш воситалари ҳам жиноят қуроли сифатида мусодара қилинади. Контрабанда ашёлари айбдор томонидан реализация қилинган бўлса, суд уларнинг қийматини судлангандан ундириш масаласини муҳокама қилиши лозим. (Фуқаролик кодекси 509-моддаси). Жиноят субъектив томондан қасддан содир этилади. Жиноятни малакалашда унинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсади аҳамиятга эга эмас. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, жиноят қонунчилиги талабларига жавоб берадиган жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Албатта, ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Хусусан, контрабанда жинояти ҳам бундан мустасно эмас. Демак, бу борадаги қонунчилик тарғиботи жиноятнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Жамшид РАҲМОНОВ, Саломат НИЁЗОВА**



Замин сайқали

Ogohlikka da`vat

# ҒУРУР ВА ХИЁНАТ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Бу ёвуз қилмиш ортида яна қандай мақсад бўлиши мумкин!? Шу ўринда жафокаш афғон халқи бошидан кечирган азоб-уқубатларни эсга олиш жоиз. Муқаддас ислом динини ўзига ниқоб қилиб олган "Толибон" гуруҳи бутун дунё кўз ўнгида қандай ёвузликларга қўл урмади дейсиз. Қотиллик, қийноқ, қурол ва "наркобизнес" савдоси — санаб адоғига етиш қийин бўлган ваҳшийликлар...

Ҳақли савол туғилади: бу ёвузлик ва қабоҳатнинг муқаддас ислом динига қандай дахли бор?! Комил ишонч билан баралла айтиш жоизки, Ислом дини ва қадриятлари барча динлар қатори ҳеч қачон ёвузликни тарғиб этмайди. Ислом динидан ниқоб сифатида фойдаланиш бориб турган қабоҳат ва манфурликдан бошқа нарса эмас.

Аслини айтганда, дунёда рўй бераётган жуда кўп ёвуз ва қабоҳатли қилмишларнинг илдизи кўнгилдаги бузилиш, нафс ва амал васвасасига берилишга бориб тақалади.

Хўш, инсон ҳаётини хавфли ўсимта сингари заҳарлаб ташлайдиган бундай иллатлардан қандай халос бўлиш мумкин?

Албатта, бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериш мумкин. Бизнингча, фарзандларимизни ғурури баланд, иймон-эътиқоди мустаҳкам ва ўзи ҳамда киндик қони тўкилган юртнинг қадр-қимматини ҳамма нарсадан баланд қўядиган инсонлар қилиб тарбиялашимиз керак. Чунки ғурурли, иймон-эътиқодли юртига меҳру муҳаббати чексиз киши ҳеч қачон тубан ва разил ишларга бўйин эгмайди, хиёнатга қўл урмайди.

Халқимиз бугунги кунда ҳам қадим аждодимиз бўлган Широқнинг номини фахр-ифтихор билан тилга олади. Широқ оддий чўпон бўлса-да, унинг ғурури баланд, ўз юртига меҳри чексиз эди. Ана шу ғурур уни шижоатга, жасорат кўрсатишга, юртга бостириб келаётган ёвга қарши курашишга ундаган.

Жалолиддин Мангуберди-чи?

Унинг мангу шон-шарафга чулғаниши, ёвга қарши курашда тенгсиз мардлик намунасини кўрсатиши ва охир-оқибат Чингизхондек ғаними ҳам **"отага шундай ўғил керак",** дея тан беришига юрагидаги ёлқинланиб турган ғурур, юрт тупроғига меҳр сабаб бўлмаганми?

Халқимиз тарихидан бундай ёркин мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг бари халқимиз азалдан ана шундай муқаддас туйғуларни ардоқлаб, шу асосда яшаб келганини англатади.

Истиқлол йилларида халқимизнинг минг йиллик қадриятлари кўзи қайта очилди. Юртимизда миллий ғурур, миллий тарбияни камол топтириш борасида кенг кўламли савоб ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ана шундай ғурури баланд ёшлар қайси соҳада бўлмасин, ўзларининг нималарга қодир эканини кўрсатмоқда. Бундай ёшларни кўрганда, ҳар биримизнинг юрагимиз тўлқинланиб кетади, юртимизнинг эртанги кунига ишончимиз янада ортади. Шу билан бирга тўғри йўлдан адашиб, бузғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолган, баъзан жиноятга қўл ураётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳолнинг кўплаб сабаблари мавжуд. Бироқ энг муҳим омиллардан бири оиладаги тарбияга бориб тақалади.

Бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшларнинг оиласидаги муҳитни таҳлил қилсак, албатта, лоқайдлик, фарзанд тарбиясига қўл силташ каби иллатлар борлиги аён бўлади.

Айтмоқчимизки, оилада яхши тарбия кўрган фарзанд ҳеч қачон жаҳолатга қўл урмайди. Чунки бола худди янги экилган ниҳолга ўхшайди. Шунинг учун у ҳамиша парвариш, ҳимоя, меҳр, умуман айтганда, тарбияга муҳтож бўлади.

Фарзандга тўғри тарбия бериш масъулияти эса, биринчи навбатда, эса ота-онанинг зиммасига тушади. Демак, бугун фарзанди тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган, унинг юриш-туриши, ўй-хаёли, келажак орзу-ниятлари билан қизиқмайдиган, бир сўз билан айтганда, масъулиятни унутиб қўйган ота-она нафақат фарзандининг тақдирига, юртимизнинг эртанги кунига ҳам хиёнат қилган бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ғурур ва хиёнат тушунчаларини бир-бирига муқояса қилишдан кўзлаган мақсадимиз битта: эзгулик, тинчлик ва бунёдкорлик доимий огоҳликни тақозо этади. Зеро, лоқайдлик ва ўзибўларчилик ҳукм сурган жойда турғунлик, фикрий маҳдудлик юзага келади. Бу эса турфа разолатга йўл очиб беради. Ўзлигини, ғурури ва ор-номусини йўқотган кимса учун хиёнат йўлига киришдан осон юмуш йўқ. Хиёнат оқибати эса ҳар доим қимматга тушади. Шу маънода ҳар бир воқеа ҳодисага теран кўз билан боқиш, тинчлик ва барқарорлик учун муттасил кураш доимий вазифамиз ва бурчимизга айланмоғи лозим. Ана шундагина эзгу ниятларимиз рўёбга чиқади, бунёдкорлик ва фаровонлик таъминланади. Энг муҳими, фарзандларимизни ҳеч ким чалғитиб, тўғри йўлдан адаштиролмайди.

**Муҳаммад ЙЎЛЧИ**

Qonun dastagi

# ГУМДОН БЎЛГАН ЎҒИТ

***Ҳозир ишбилармон ва уддабурон кишиларнинг замони келди. "Иш билганга минг танга" деган нақл айни шу кунлар умиди билан яшаётган кишилар учун айтилгандек. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга барча шароит яратилган. Хусусан, хусусий мулк эгалари ва ишбилармонларнинг фаолияти давлат томонидан ҳимояга олинди. Кимки қонун доирасида ҳалол меҳнат қилаётган бўлса, рўзғорини бекаму-кўст тебратиши амалда исботланди. Афсуски, ана шундай кенг имконият яратиб қўйилган бир даврда айримлар тадбиркор ва фермерлар ҳақига хиёнат қилмоқда.***

Самарқанд вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссадорлик жамиятининг Пайариқ туман филиалига қарашли П.Нурмонов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 10-сонли минерал ўғитларни сақлаш ва тақсимлаш шахобчасининг мудири Шарофиддин Донобоев илгари ҳам жиноятга қўл уриб судланган эди. У Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармони асосида жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилганди. Бироқ у бундай бағрикенгликдан тегишли хулоса чиқармади. Аксинча, "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" қабилида иш тутиб, эгри йўлни танлади.

Аниқроқ айтганда, у дастлаб омбордаги 277775 сўмлик минерал ўғитларни "фермерларга тарқатилди" дея қалбаки ҳужжатлар асосида талон-тарож қилиб, шахсий манфаати учун ишлатиб юборади.

Нафси ҳакалак отган Шаробиддин қараса, ҳеч ким мушугини "пишт" демаяпти. Нопок йўл орқасидан нон еб ўрганган Шарофиддин бу гал каттароқ жиноятга қўл урди. У шу йилнинг 2 апрел кунига қадар 390356 сўмлик 4243 килограмм аммоний, 5290 сўмлик 34 килограмм аммофос, 6760 сўмлик 1041 килограмм супер фосфат, 140130 сўмлик 1730 килограмм селитра, 23000 сўмлик 250 килограмм карбомид минерал ўғитларини сотиб юборди ва пулини ўз эҳтиёжига ишлатди. Пайариқ туманига қарашли "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 17-сонли минерал ўғитларни сақлаш ва тақсимлаш шахобчаси мудири Комил Чанчаров ҳам текин даромад топиш бобида Шарофиддиндан қолишмасликка ҳаракат қилди. У 2003 йилнинг 23 ноябр кунидан то 2004 йилнинг 2 апрел кунига қадар ўз зиммасида бўлган баҳоси 1602353 сўмлик 10300 килограмм аммофос минерал ўғитини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган. Бундай ҳолатлар туман бўйича ўғит етишмаётган, экин майдонларида минерал моддалар миқдори 25-30 фоизга тушиб қолган бир пайтда рўй берган.

Шу ўринда қуйидаги мулоҳаза туғилади: хўш, қисқа вақт мобайнида минерал ўғитларни сақлаш ва тарқатиш шахобчаларида содир этилган бундай талон-тарожликка ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари нега бефарқ қарашган? Агар "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссадорлик жамиятининг Пайариқ туман филиалида ошна-оғайнигарчилик, "сиздан угина, биздан бугина" қабилида иш юритиш, таъмагирлик, назоратсизлик иллатлари одат тусига кирмаганида, шубҳасиз, бу сингари салбий ҳолатлар юз бермаган бўларди. Мутасаддиларнинг жамоада қинғирликлар рўй бераётганини била туриб, сукут сақлашганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бунга яна шуни қўшимча қилиш лозимки, айрим жойларда кадр танлашда ҳамон пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Иш берувчи бўлажак ходимнинг ишига бўлган лаёқатига эмас, аксинча, унинг бошқа жиҳатларига эътибор берилмоқда. Натижада чаладумбул "мутахассис"лар "давринг келди, сур бегим" қабилида иш тутиб, қонунбузарликка йўл қўйишмоқда.

Албатта, ҳар қандай қилмиш жазосиз қолмайди. Ҳар икки ҳолат юзасидан ҳам назорат тартибида текшириш ўтказган Пайариқ туман прокуратураси жиноятчиларнинг кирдикорини фош этди. Жиноят ишлари бўйича Пайариқ тумани судида уларнинг бу қилмишлари атрофлича муҳокама қилиниб, ҳар бири тегишли жазога тортилди ва жамоага келтирилган зарар тўлиқ ундириб олинди.

**Раҳматилло РАСУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рўзимурод ТУРСУНОВ,**
**журналист**

Muloqot

# ТУҲМАТ ВА ЖАЗО

**САВОЛ:** ***Ҳаётда баъзан киши қадр-қимматини ерга урадиган турли хил туҳматга учраши ҳам мумкин. Ана шундай қадр-қимматни камситадиган туҳматга учраганда киши қаерга мурожаат этиши керак? Умуман, қонунларда туҳмат, иғво, буҳтон тарқатган кимсаларга нисбатан қандай жазо белгиланган?***

***Шу ҳақда маълумот берсалрингиз.***

**Манзура ХОЛОВА, Каттақўрғон тумани**

**Бу саволга ҳуқуқшунос Б.ХИДИРОВ шундай жавоб беради:**

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда баъзан инсон шаъни, қадр-қимматининг ерга урилгани, туҳмат қилинаётгани, шахс номини бадном қилувчи маълумотлар тарқатилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундай қилмишлар шунчалик сурбетлик, ғаразгўйлик билан амалга ошириладики, кўпчилик нима қилишини билмай қолади. Ҳолбуки, қонунчиликда шундай ҳолатлар ҳам ҳисобга олинган ва тегишли чоралар белгиланган. Хусусан, «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги кодекснинг 40-моддасида туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатган шахсга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима солиш назарда тутилган. Ушбу кодекснинг 41-моддасида эса ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситганда энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши баён этилган.

Жиноят кодексининг 139-моддасида белгиланишича, туҳмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам қайта содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорида жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқа усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали туҳмат қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Қонунчиликда туҳмат шахсга қайтадан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Жавобгар шахсга нисбатан маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қонуний кучда бўлган суд қарори ёки ҳукми билан жабрланган шахс судда даъвогар сифатида иштирок этиб, ўзига етказилган маънавий зарарни Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси тартибида ҳимоя қилиш учун фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишга ҳақли.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсон шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади. Шу боис инсонни бадном қилувчи маълумотлар тарқатиш, туҳмат қилиш каби қилмишлар қонун асосида жазоланади.

Jahon tajribasi

***Ҳозирги пайтда дунё мамлакатларида давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини, шу жумладан, қонунчилик соҳасини такомиллаштиришига катта эътибор қаратилмоқда. Парламент фаолиятини такомиллаштириш замонавий демократик давлатни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ажралмас хусусиятидир. Шу боис дунёда турли демократик тизимларда парламет фаолиятини такомиллаштириш йўллари ва усулларини шакллантириш, самарадорлигини ошириш, ҳокимиятнинг ижроия тармоқлари фаолияти билан боғлиқ муносабатни уйғунлаштириш борасида фаол изланиш олиб борилаяпти. Замонавий парламентаризмнинг муҳим масалаларидан бири қонунчилик идораси таркибидаги палаталар миқдоридир. Айни пайтда қонунчилик ҳокимиятининг бир палатали ва икки палатали шакли нисбатан кенг тарқалган. У ёки бу шаклни танлаш кўп жиҳатдан муайян мамлакатнинг тарихий анъаналари, миллий хусусиятлари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига боғлиқдир.***

# ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда дунёнинг етакчи ва ривожланган давлатларида асосан икки палатали парламентлар фаолият кўрсатмоқда. Бундай ҳолатни ҳам федерал, ҳам унитар давлатлар мисолида кузатиш мумкин. Агар XX асрнинг 70-йилларида икки палатали парламентлар 45 давлатда амал қилган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб уларнинг сони 70 тага етди. Бундан ташқари, ўнлаб давлатларда икки палатали парламент тузишга тайёргарлик кўрилмоқда. 2000 йилда 19 та Европа мамлакатларида икки палатали парламент фаолият кўрсата бошлади. Бу эса жаҳонда асосан икки палатали парламент тузиш анъанаси таркиб топаётганидан далолатдир.

Замонавий парламентлар бирбиридан таркиби, ваколатлари, ҳажми, шунингдек, палата ва парламентлар номи билан фарқланади. Масалан, Швейцарияда парламент Федерал Мажлис; Болгарияда Халқ Мажлиси; Венгрияда Давлат Мажлиси; Словакияда Миллий Кенгаш. Бир қатор давлатлар Конституциясида (Италия, Польша, Япония ва бошқалар) парламент номининг конституциявий таърифи ўрнига турли-туман палаталар муайян бир ном аталади. Аксарият ҳолларда палаталар қуйидагича номланади. **"Вакиллар палатаси-Сенат", "Миллий кенгаш-Контанлар кенгаши", "Вакиллар палатаси-Маслаҳатчилар палатаси", "Миллий мажлис-Сенат", "Депутатлар палатаси", "Сенаторлар палатаси", "Сейм-сенат"** ва ҳоказо. Италияда палаталар биринчи палата ва иккинчи палата деб номланган. Дунё парламентлари палаталарининг шаклланиш тартиби шундан дарак берадики, парламентнинг қонун чиқарувчи қуйи палатаси асосан мамлакатнинг сайланиш ҳуқуқига эга бўлган аҳоли иштирокида ўтказилган бевосита ва тенг ҳуқуқли сайлов билан шаклланади. Бевосита тўлиқ сайловлар йўли билан Польша, Румински ва Чехия Сенатлари шаклланади. Белгияда 40 нафар сенатор лисонист квоталар бўйича, пропорционал ваколатлар асосида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади, 21 нафар сенатор эса жамоалар кенгаши томонидан ва квоталар бўйича сайланади. Греландия тажрибаси бўйича 60 нафар сенатордан 15 нафарини президент тайинлайди, 49 нафар сенатор эса сайланади (университетлар томонидан 6 нафар турли хил касбий гуруҳлар томонидан 43 нафар сенатор сайланади).



Парламент фаолиятининг конституциявий бошқаришнинг асосий масалаларидан бири палата аъзоларининг сонидир. Аксарият мамлакатларнинг юқори палатасида депутатлар сони қуйи палатага нисбатан камроқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, парламентнинг қонунчилик ва назорат фаолиятини асосан қуйи палата бажаради. Масалан, Белгияда қуйи палатада 150 нафар депутат, юқори палатада эса 71 нафар депутат фаолият кўрсатади. Парламентнинг асосий масалаларидан яна бири палаталарнинг фаолият муддатидир. Баъзи мамлакатларда палаталар муддати мос тушса (Норвегия, Нидерландия, Эстония, Италия, Польша), бошқаларида мос тушмайди (Ирландия, Япония). Масалан, Японияда қуйи палатанинг ваколати 4 йил бўлса, юқори палата фаолияти 6 йилга мўлжалланган. Шу билан бирга, ҳар уч йилда парламент аъзоларининг ярми қайта сайланади.

Маълумки, дунё бўйича парламентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми давлатнинг асосий қонунлари билан белгиланади. Парламент механизмининг ҳақиқий фаолияти эса кўп ҳолларда мавжуд давлатдаги партия тизимига боғлиқ. Икки ёки ундан ортиқ партиядан ташкил топган парламент кўп партияли дейилади. Буюк Британия, Австралия, Канада давлатлари парламенти икки партиялидир. Австрия, Германия, Япония, Италия, Россия, Испания давлатларининг парламентида фракциялар сони иккитадан ортиқ. Уларнинг сони бирор партиянинг парламентидаги ўрни билан аниқланади.

Хулоса ўрнида айтсак, ҳозирги пайтда парламентаризм тобора такомиллашиб бормоқда. Буни дунё мамлакатлари тажрибаси ҳам яққол тасдиқлайди.

**Миродил МЎМИНОВ, Эътибор ХОЛОВА**

Nadomat

***2003 йилнинг 31 декабр куни эрталаб Дангара туманининг Ғумойли қишлоғида яшовчи Козимжон байрам дастурхонига керакли ул-бул харид қилиш учун бозорга йўл олди. Кўча бўйидаги ғўзапоя уюмининг олдидан ўтаётганда ерда ётган одамга кўзи тушди. Унинг боши курткаси билан ўралгани сабабли Козимжон уни танимади.***

# АЗАГА АЙЛАНГАН БАЙРАМ

СУД ОЧЕРКИ

– Бу киши байрамни кечаёқ бошлаган шекилли, – деди у ўзига-ўзи. Аммо яқинроқ бориб курткани кўтарганда бирдан ранги оқариб кетди. Чунки ётган киши қўшниси Абдусаттор ака бўлиб, у нафас олмаётган эди. Козимжон оёқ-қўли қалтираган кўйи бир-икки дақиқа жасаднинг тепасида туриб қолди. Сўнгра ҳушини йиғиб, Абдусаттор аканинг уйи эшигини тақиллатди. Ичкаридан чиқиб келган марҳумнинг ўғли Иброҳимга "Отанг уйининг орқасидаги ғўзапоя олдида ётибди", – деди-ю, у ёғини айтишга тили бормай маҳалла оқсоқолиникига югурди.

* * *

Замира бундан 19 йил муқаддам Абдусаттор билан турмуш қурганда бахтли эди. Эрининг қўлида гулдек ҳунари бўлиб, шаҳардаги қушхонада қассоблик қиларди. У катта-кичикка бирдек хушмуомала одам бўлгани учун маҳаллада обрўси баланд эди. Бир йилдан сўнг улар фарзандли бўлишди ва чақалоққа Иброҳим деб исм қўйишди. Эр-хотин гўдакни авайлаб парваришлай бошлашди.

Мана шу зайлда орадан икки йил вақт ўтди. Шундан сўнг Абдусаттор тўқликка шўхлик қилиб, тез-тез ичадиган одат чиқарди. Бора-бора кунда ичмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Бу эса ўз навбатида маҳалла-кўй, таниш-билиш, ҳамкасблари ўртасидаги обрўсини туширди. Рўзғоридан барака кўтарилди. Бунгача иккинчи фарзанди Зарифа ҳам туғилганди. Замира эрини ҳар қанча тартибга чақирмасин, барибир унга гап кор қилмади.

Шундан буён Абдусаттор ҳеч қаерда ишламайди. Ондасонда маҳалладагиларнинг мол-қўйларини сўйиб бергани эвазига олиб келадиган гўштини демаса, рўзғорга бирор наф келтиргани йўқ. Қўлига пул тушди дегунча фақат ичади. Бу ҳам майли, ичиб олиб жанжал қилгани ортиқча. Бир сўз билан айтганда, хотини ва болаларини ўзидан бездириб бўлди.

Ўтган йил декабр ойининг 12 куни у уйда ўтириб бир ўзи битта шишани бўшатди-да, сўнгра яна "томоша"ни бошлади.

(Давоми тўртинчи бетда)

**_Аёл ҳаётнинг давомийлигини таъминлайдиган илоҳий хилқатдир. Шу боис мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституциямизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги кафолатланган. Уларга илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат қилиш, меҳнат учун ҳақ тўлаш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, сайлаш ва сайланишда эркаклар билан тенг имкониятлар яратиб берилган. Бугунги кунда аёллар раҳбар лавозимларида, тадбиркорлик ишларида фаол қатнашмоқда. Аёллар меҳнати ҳам эркаклар билан тенг асосда рағбатлантирилмоқда._**

Huquqiy madaniyat

# СОҒЛОМ АВЛОД – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ



Бироқ шу билан биргаликда аёл ҳуқуқлари ва уларнинг муҳофазаси ҳозирги пайтда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Баъзи оилаларда ёзилмаган қонун кучига эга бўлган «анъаналар» эр ва хотин, ота ва қиз, ака ва сингил, қайнота ва келин ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб келмоқда. Вояга етмаган қизларнинг эрта турмушга узатилиши, катта оилаларда келинларнинг ҳуқуқсизлиги, унинг нафақат эрига, балки қайнона-қайнотасига ҳам бўйсуниши каби масалалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида 11 та фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш бўлимлари ва 3 та никоҳ уйлари мавжуд бўлиб, ҳар бир ФҲДЁ идораларида никоҳга кирувчи ёшлар учун "Ёш оила мактаби" курслари ташкил этилган. Бу курсларда ҳуқуқшунослар, тиббиёт муассасаси ходимлари, шаҳар "Оила марказ"нинг мутасадди ходимлари, маҳалла қўмитаси фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари ходимлари иштирокида янги тузилаётган оила аъзолари билан давра суҳбатлари ўтказилиб, оиладаги муаммолар бўйича ўзларининг ҳаётий тажрибаларига асосланган ҳолда уларга илмий-амалий тавсиялар берилмоқда. Бундан ташқари, Оила кодексининг 17-моддасида қайд этилган **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш»** масаласида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадбир соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилади. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, тиббий кўрикдан ўтишнинг мазмун-моҳиятини фақат никоҳланувчиларга эмас, балки мактаб, ўрта таълим ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар ўртасида ҳам кенг тарғиб-ташвиқ этиш лозим. Тиббий кўрикдан ўтганлик ҳақидаги маълумотнома мактабни битириш шаҳодатномасига қўшиб берилса, бу ота-оналар оила қурилгунгача фарзандининг саломатлигидан хабардор бўлишига ва пировардида соғлом оиланинг ташкил этилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтсак, соғлом оила жамият таянчи ҳисобланади. Соғлом оилани барпо этишда эса халқимизнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

**Гулнора ЭРМАТОВА**

Taqdir tarixi

# БИЛЛ ГЕЙТС:
## БОЙЛИК – АҚЛ ВА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

***(Давоми. Боши олдинги сонда.)***

Дунёдаги энг бадавлат одамнинг кунлик иш жадвали қуйидагича: **«Эрталаб соат 9 да, албатта, иш жойида бўлади, ходимларидан бири билан енгилгина тушликдан сўнг ярим кечагача ишлайди. Уйига келиб, бир соатча вақт мобайнида китоб ва журналлар ўқийди».**



Кунлар шу зайлда ўтмоқда. Гейтс ўз ишига телбаларча берилган ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Шу сабабли ҳам бир пайтлар у ташкил этган кичик бир фирма бугунги кунда жуда кўп мамлакатларда шўъбаларига эга катта концернга айланган. Айтишларича, у ҳар куни ишга келиб ўз-ўзига, баъзан эса қўл остидаги ходимларга қарата **"биз ҳозир ҳам яхши ишлаяпмизми? Кимдир биздан ўзиб кетмадими? Ҳақиқатдан ҳам, биз қилаётган ишлар бошқаларникидан яхшими? Ишимизни янада такомиллаштириш учун тағин нима қилишимиз керак?"** деган сўзларни қайта-қайта такрорлайди. У ўз ходимларига нисбатан ўта талабчан. Шундай бўлса-да, уларнинг кўпчилиги Билл фаолиятини бошлагандан буён унга эргашиб келмоқда. Улардан бирининг айтишича, Гейтсда 80 ёшли қариянинг ақли ва 18 ёшли ўсмирнинг кучи уйғунлашган.

Шу ўринда Гейтснинг шахсий ҳаётига доир айрим маълумотларни айтиб ўтиш жоиз. Биллнинг иш фаолиятидаги ютуқлари аъло даражада бўлса-да, булар онаси Мэрини қаноатлантирмасди. Ҳар бир она сингари у ҳам ўз боласининг шахсий ҳаёти ва бахти ҳақида қайғурарди. Чунки унинг ўғли қирқни қоралаб қолганига қарамай уйланишни ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Аёллар билан гаплашиш, турмуш қуриш ҳақида суҳбатлашиш, бошқача айтганда, ишқий саргузаштларга Билл вақт тополмас эди.

Албатта, ҳар бир эркак сингари Биллнинг ҳам хотин-қизлардан танишлари ва яқинлари йўқ эмасди. Лекин Билл улар билан ёлғиз қолганида ишқ-муҳаббат тўғрисида эмас, кўпроқ физика, математика, компьютер ва улар ҳақдаги янги китоблар борасида суҳбатлашишни яхши кўрарди. Шундай бўлса-да, кунлардан бир кун Билл онасига ўзининг концернида маркетинг бўйича менеджер бўлиб ишлайдиган ҳамкасби, 34 ёшли Мелинда Френчга уйланмоқчи бўлганини маълум қилади. Айтишларича, иш жойида хоналарининг деразалари қарама-қарши жойлашгани учун улар деразадан бир-бирларига термулишиб, севишиб қолишган. Шуни таъкидлаш керакки, бу пайтга келиб Мелинда ҳам ўзига тўқ тадбиркорга айланганди. 350 минг долларга уй сотиб олган Меленда билан Билл кўпчилик учун кутилмаганда тез топишиб олишди. Уларнинг тўйи 1994 йил 1 январ куни Гавайяда бўлиб ўтди. Тўйга чақирилмаган меҳмонларнинг бормаслиги учун Гейтс ўша кунлари Гавайяга учадиган барча самолёт чипталари ҳамда меҳмонхона жойларини банд қилиб қўйди. Тўйдан кейин келин-куёв қисқа муддатга Аляскага саёҳатга боришди. У ерда улар ит қўшилган чаналарда сайр қилишди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, улар никоҳ шартномасини тўйдан олдин имзолашди. Ушбу шартномада ҳар қандай тасодифий воқеалар юз берганда уларнинг ўзаро муносабатлари ва мол-мулки тақдири қандай ҳал этилиши аниқ белгилаб қўйилган эди. Бу эса Билл Гейтсга хос тадбиркорлик ва пухталикнинг яна бир намунаси эди... Кўп ўтмай улар икки нафар фарзанд кўришди. Женнифер Кэрин 1996 йилда, Рори Жон эса 1999 йилда дунёга келишди.

Гейтснинг уйланишини рақиблари хурсандчилик билан кутиб олишди. Чунки улар энди Гейтс илгаригидай кечаю-кундуз иш жойида эмас, балки уйида, оиласи ёнида бўлишга мажбур, бу эса Гейтсдан ўтиб кетиш имкониятини юзага келтиради, деб ўйлашган эди. Лекин уларнинг бу ниятлари пучга чиқди. Гейтсни яхши биладиганлар оилавий муносабат уни ҳақиқатдан ҳам, анча ўзгартиргани, эндиликда у атрофдагиларга бироз юмшоқ муомала қиладиган, меҳрибонроқ бўлиб қолгани, илгаригидек ярим кечагача ишхонада қолиб кетмасдан, оқшом оила аъзолари билан бирга овқатланиш учун учун бироз эртароқ уйига қайтадиган, шу орада болаларини ҳам ўйнатишга вақт топадиган бўлганини тасдиқлашмоқда.

Қолаверса, уни уйида суюкли хотини Мелинда сабрсизлик билан кутиб туради, чунки у турмушга чиққанидан сўнг ишдан бўшаб, болалар тарбияси ва меҳр-мурувват ишлари билан шуғулланмоқда. Яқиндан бошлаб Гейтс меҳр-мурувват ишларига жуда катта маблағ сарфламоқда. Ҳозирги кунда у 17 миллиард долларни ана шу мақсад учун ажратган. Шу кунларда Гейтс **"Келажакка йўл"** ва **"Хаёл тезлигидаги тижорат"** номли китобларини сотувга чиқариб, улардан тушган маблағлар ҳам меҳр-мурувват мақсади учун сарфланмоқда.

Дунёнинг энг бадавлат кишиси яқинда пул топишнинг яна бир ўзига хос антиқа усулини ўйлаб топди. Унинг кўрсатмаси билан Вашингтон кўлининг қирғоғида 4000 квадрат метр майдонда қиймати 60 миллион доллар турадиган жуда катта уй қурилди. Бу уй нафақат катталиги, балки ичидаги автоматик қурилмалари билан ҳам дунёда ягона ҳисобланади. Ушбу уй тўлиқ компьютерлаштирилган бўлиб, юзга яқин компьютерлар бир-бирига уланиб, ягона қурилмани ташкил этган. Улар автоматик равишда жойларга почта, хат-хабар жўнатади, уй эшикларини очиб-ёпади, электр чироқлари, телевизор, радио асбобларини ёқиб-ўчиради ва ҳоказо. Бу уйга кирмоқчи бўлганлар, энг аввало, энергияли рухсатнома олиши шарт. Меҳмонларнинг қаерда ва қайси хонада экани компьютер орқали кузатиб турилади. Бироқ бу уйга ҳамма ҳам киролмайди. Гап шундаки, бу уйга кириш ҳамда 150 нафар олий табақали шахсларга мўлжалланган катта ошхонада уй эгалари билан бирга овқатланиш ва суҳбатлашиш учун Мелинда ўқиган коллеж ҳисобига бир миллион доллар тўлаш лозим. Бу шарт анча оғир бўлса-да, уйни томоша қилиш ва уй эгалари билан овқатланишни истовчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Биллнинг онаси Мэри хоним ўғлининг ишларини кўриб, баъзан хурсанд бўлса, баъзан ранжишини эътироф этган. У ўғлини ёшлигида руҳшунос қабулига олиб борганини тез-тез эслайди ва бир саволга ҳамон жавоб тополмайди. Ўшанда руҳшунос Билл билан нима тўғрисида суҳбатлашган эди ва нима сабабдан ўша суҳбатдан сўнг ўғли бу қадар ўзгариб кетди? Унинг ўғли жонини жабборга бериб ишлаб, дунёнинг энг бой кишисига айланди. Лекин у ҳам бошқаларга ўхшаб меъёрида ишлаб, бу дунёнинг неъматларидан имконият даражасида баҳраманд бўлиб, тинчгина яшаса бўлмасмиди? Мэри хоним бу саволга ҳам жавоб топишга қийналади. Чунки ўғли бундай саволларга жавоб излашдан кўра кўпроқ меҳнат қилишни ва пул топишни афзал билади. Шу боис унинг бойлиги тобора кўпайиб бормоқда.

**Хориж матбуоти материаллари асосида Мирза ТУРСУНОВ тайёрлади.**

Jinoyatga jazo muqarrar

***Эрнест Сатиев Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида белгиланган жиноятларни содир этганликда айбланди ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.***

***Хўш, Эрнест Сатиев ким? Нега у жазога тортилди?***

***Эрнест Сатиев асли Қирғизистон Республикаси фуқароси, оилали, бир нафар фарзанднинг отаси.***

# РЎМОЛ ҚАТИДАГИ ОҚ АЖАЛ

Шу йилнинг 22 январ куни чамаси соат ўн яримларда у Қирғизистондан Ўзбекистонга "Учқўрғон-1" божхона масканига қарашли 8-сонли божхона шаҳобчаси орқали кириб келади. Божхона ходимлари унга "Т-6" шаклидаги божхона баённомасини тўлдириш тартибини тушунтиришади. Эрнест баённомасини тўлдиради. Божхона қонун-қоидаларига кўра, ҳар қандай шахс бир мамлакат ҳудудидан иккинчи бир мамлакат ҳудудига ўтаётган вақтида махсус кўрикдан ўтказилади. Эрнестнинг белига боғлаб олган аёллар рўмоли божхона ходимларида шубҳа уйғотди. Холис гувоҳлар иштирокида текшириб кўрилганда, зангори рангдаги рўмол ичида 672 грамм "гашиш" гиёҳванд моддаси бўлган 69 дона гугурт қутиси борлиги маълум бўлди.

— Бундан икки йилча аввал Нурали исмли танишимга икки бош қўй берган эдим. — дейди судланувчи Эрнест Сатиев, — У қўйларнинг пулларини ўз вақтида қайтара олмади. Пул ўрнига "гашиш" гиёҳванд моддасини берди. Шу йилнинг 13 январ куни тўй қилгандик. Учқўрғон шаҳрида яшовчи қариндош-уруғларимизнинг айримлари тўйга бора олишмади. Мен уларни меҳмондорчиликка айтгани Учқўрғонга келаётган эдим. Хаёл билан белимдаги рўмолни уйга ечиб қолдиришни унутибман. Мен "гашиш" гиёҳванд моддасини яна ўзим билан Қирғизистонга олиб кетмоқчи эдим.

— Бу хабарни эшитиб аввалига ишонмадим, — дейди суд мажлисида Адалахон Бўстонова, — Эрнест тўнғич фарзандим. Унинг отаси билан 9 йил бирга яшадик. Кейин ажрашганмиз. Шундай бўлса-да, Эрнест эсли-ҳушли йигит бўлиб вояга етди. Уни бирон маротаба уйга катта миқдорда пул олиб келганини билмайман. Кўпинча у мендан пул сўрарди, бериб турардим.

— Эрнестнинг гиёҳвандлик моддаси билан қўлга тушганини эшитиб ҳайрон қолдим, — дейди гувоҳ Алмаз Бўстонов, — унинг сигарет чекканини ҳам кўрмаган эдим.

Суд ҳайъати мазкур жиноят ишига бевосита холис гувоҳ бўлганларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини эшитди ва инобатга олди. Судланувчи ҳамда ҳимоячи гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсади бўлмагани, у ушбу воситани ўзи билан олиб юргани, тоғасини тўйга айтиб, яна ортига қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлганини таъкидлашди. Лекин олинган далилий ашёларнинг алоҳида бўлакларга ажратилгани унинг сотишга мўлжаллангани кўрсатади. Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги **"Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"**ги 21-сонли қарорининг 6-бандида қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бу восита ёки моддалар ҳақиқатан ҳам, ўтказиш учун тайёрланганини намоён этувчи далилларга асосланиши лозимлиги, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилиниши истисно этадиган тақдирда топилгани, гиёҳвандлик воситалари маълум ўлчамда қадоқлангани, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилгани, айбдорнинг банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса бергани каби ҳолатлар аниқланган тақдирда ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан малака қилиниши лозимлиги кўрсатилган. Шунга биноан суд ҳайъати Э.Сатиевнинг келтирган важларини жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўйлаб топилган, деб ҳисоблади ва айбдорни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

Гиёҳвандлик — аср вабоси. У инсоният бошига оғир мусибатларни ёғдирмоқда. Халқимиз меҳмондўст ва бағри кенг. Юртимизга яхши ниятда қадам ранжида қилаётган ҳар қандай кишини очиқ юз билан кутиб олади. Аммо ғараз ниятдаги ҳар қандай шахс амалдаги қонунларимиз асосида жазога тортилиши муқаррар.

**Муҳиддин ҚУТПАДДИНОВ, ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**



*Тоғ дараси*

# НОЖЎЯ ҚАДАМ

Qilmish-qidirmish

Ҳаёт мураккаб ва зиддиятли яратилган. Баъзан ўйланмай ташланган бир қадам, битта нотўғри хатти-ҳаракат оқибатида бир-икки нафар инсоннинг тақдири остин-устун бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғида ҳам шундай воқеа содир бўлди ва унинг оқибатида икки оила азият чекди.

Шу йил қиш кунларининг бирида икки маҳалладош — Ойбек Алимов ва Обиджон Ҳакимов жанжаллашиб қолишди. Бу можаронинг келиб чиқишига хашак сабаб бўлди.

– Нима сабабдан хашагингни менга сотмадинг? – деди Обиджон. Дарҳақиқат, у авволроқ Ойбекнинг хашагига харидор бўлган эди.

– Сиз хашакни жуда арзон нархда сўрадингиз, шунинг учун сотмадим, – деб жавоб қайтарди Ойбек.

Шу гап баҳона бўлди-ю, икки ўртада жанжал бошланди. Жанжал муштлашишга айланди. Обиджон Ойбекни ҳақоратли сўзлар билан сўкиб, жағига мушт туширди. Шундан сўнг Ойбек уйга кириб ошхона пичоғини олиб чиқди-да, Обиджонга ташланди. Пичоқ етказган жароҳат туфайли Обиджон эртаси куни касалхонада вафот этди.

Бу мудҳиш жиноят арзимаган хашак сабаб содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин атрофдаги кишиларнинг бепарволиги ва лоқайдлиги туфайли бир одамнинг қўли қонга ботди, бир одам ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Биз бежизга бу фикрни айтаётганимиз йўқ. Ўша куни маҳалладошлар Алижон Сўфиев, Абдусалим Назиров ва яна бир икки киши янги йилнинг биринчи куни дея Обиджоннинг уйида улфатчилик қилишади. Аслида шундоқ ҳам кайфи тароқ бўлган Обиджон билан яна ароқ ичишади. Шундан сўнг кўчага чиқиб туришганда Ойбек келиб қолади. Маст-аласт Обиджон Ойбек билан сўкишиб, жанжаллашиб кетади. Улфатлар бир-икки ажратган бўлади-ю, сўнг «менга нима» қабилида индамай жўнаб қолишади. Қарангки, шу орада жанжалнинг устига келиб қолган Ойбекнинг укаси Одилжон акасини ажратиб уйга олиб кириб кетди ҳам. Аммо Ойбек Обиджондан эшитган сўзлари, еган калтаги, муштлари зарбига чидолмай ўч оламан, деб энди ошхона пичоғини олиб чиқади. Бу гал орага Ойбекнинг онаси Малика ая тушади. Бироқ кучи етмайди.

– Жон болам уйга киргин, – онанинг қилган илтижоларига ўғил қулоқ ҳам солмайди. Шу орада у эрини айтиб келгани йўлга тушади. Маст-аласт Обиджон муштипар онанинг ҳам ҳурматини қилмай, оғзига нима келса, бўралаб сўкаверади.

Охир-оқибат бундан янада жаҳли чиққан Ойбек Обиджонга пичоқ тиқиб олади.

Мастлик оқибатида арзимаган хашак туфайли чиққан жанжалдан Обиджон Ҳакимов ҳаётдан бевақт кўз юмди, унинг болалари етим қолди, хотинининг кўнгли ярим бўлиб қолди. Ойбек Алимов эса қилган жинояти учун жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди томонидан қонуний жазо олди. У энди йигирма беш ёшга тўлган, оиласи, бир нафар фарзанди бор эди. Уларнинг ҳам кўнгли вайрон, ота-онаси эса куйибёниб юришибди.

Ўйланмай ташланган бир қадам икки оиланинг тинчини бузди. Демак, ҳаётда одам нафақат ўз умри, балки бошқаларнинг умрини ҳам қадрлаб яшаши керак. Зеро, бу масъулият унутилган жойда кўнгилсиз воқеалар келиб чиқади.

**Давронбек АБДУАЗИЗОВ, ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

Nadomat

# АЗАГА АЙЛАНГАН БАЙРАМ

## СУД ОЧЕРКИ

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

– Бўлди, энди сен билан яшамайман, – дея хотинини уриб-тепиб кетди. Замира одатдагидек эрини шаштидан туширмоқчи бўлди:

– Дадаси, ундай деманг. Эсингизни йиғинг. Ахир, болаларингиз катта бўлиб қолишди.

Бироқ бу гаплар Абдусатторни шаштидан туширмади.

– Болаларингни билмайман... Мен бошқа аёлга уйланаман. Йўқол кўзимдан! – деб уни уйдан ҳайдаб чиқарди. Бечора аёл нима қиларини билмай қизини етаклаб онасиникига йўл олди. Буни кутмаган Абдусаттор аламини ўғлидан ола бошлади. Кайф устида Иброҳимни тўхтовсиз ҳақоратлаб, хумордан чиққунча калтаклади.

Ўша воқеадан кейин орадан икки ҳафта ўтди. Янги йил байрамига атиги икки кун қолганда, кечки пайт Абдусаттор яна ўғлини ёнига чақирди.

– Шаҳарга бориб, онанг билан синглингни олиб кел!

– Мен у ёққа боролмайман. Борган тақдиримда ҳам онам келмайди, – дея йиғлаб юборгудек бўлиб жавоб берди Иброҳим. Ширакайф ота ўғлининг бу жавобига қўл силтаб қўйди. Чўнтагидан пул чиқариб унга узатаркан, киноя билан деди:

– Ҳеч бўлмаса «яримта» олиб келишга ярарсан?..

Энди Иброҳим ортиқча бирор сўз демай буйруқни бажарди. Бир шиша ароқни олган Абдусатторнинг важоҳати бирдан ўзгарди.

– Ҳозир бораману онанг билан синглингни бувингга қўшиб сўйиб келаман, – деганича пичоғини олиб кўчага чиқиб кетди. Иброҳим шу заҳотиёқ бошқа йўл билан бувисиникига жўнади.

– Ҳа, болам, тинчликми? Нима бўлди? – дея эшикдан ҳансираб кириб келган ўғлини сўроққа тута бошлади Замира.

– Отам уйдан маст ҳолатда чиқиб кетди. Бу ерга келиб сизларни урмоқчи, – деди Иброҳим. Бу гапни эшитиб Замиранинг ҳаловати бузилди. Наҳотки, эри бу ерга келиб жанжал кўтарса? Шундоқ ҳам у қизи билан келгандан буён онасининг юраги сиқилиб ўтирибди.

Бироқ ўша кеча "меҳмон" қайнонасиникига «ташриф» буюрмади. Бу пайтда кун бўйи толиққан Иброҳим донг қотиб ухлаб қолганди. Замира унинг устига кўрпани ёпиб, ўзи ҳам ёстиққа бошини қўйди. Аммо дилидаги ғашлик туфайли тонг отгунча мижжа қоқмай чиқди. Юраги қандайдир нохушлик юз беришини олдиндан сезгандек безовталанарди.

Иброҳим эрталаб уйларига кириб келганда отаси яна ширакайф ҳолатда эди. Абдусаттор ўғлининг саломига ҳам алик олмай унинг қўлига 1100 сўм пул ва битта бўш шиша тутқазди ҳамда 500 сўмига спирт, 600 сўмига эса балиқ консерваси олиб келишни буюрди. Иброҳим буни умуман хоҳламасада, лекин маст отаси билан "адибади" айтишиб, эрталабдан кайфиятини бузишни ўзига эп кўрмади. Бир соатга қолмай "буюртма"ни келтириб берди ва ўзи кўчага чиқиб кетди.

Бу пайтда чилла кириб, қишнинг қора совуғи бошланган эди. Кунлар қисқариб, тунлар узайгани учун "хаш-паш" дегунча қоронғу тушди. Иброҳим уйга қайтганда аллақачон қоронғу тушган, отаси у олиб келиб берган шишани бўшатиб улгурганди. Бироқ Абдусаттор ўғлини яна изига қайтарди. Бу гал Иномбой аканинг дўконидан насияга ароқ олиб келишни тайинлади. Чунки чўнтагида бир чақа ҳам қолмаган эди.

Ҳозир Абдусаттор ароқ тўлдирилган ҳовуз бўлса, чўмилиб олишга ҳам тайёр эди. Шунинг учун бўлса керак, Иброҳим келтирган ароқни кўрдим демай ичиб юборди ва энди ўзи бўш шишани кўтариб уйдан чиқди. Отасининг бундай ҳаракатлари Иброҳимнинг дилини хуфтон қилди, шу билан бирга юрагида унга нисбатан нафрат алангаси пайдо бўлди. Ахир, отасини деб онаси, ўзи ҳамда синглиси озмунча азият чекишдими?! Яна қачонгача чидаш мумкин?

Иброҳим мана шуларни ўйлаб ўтирганиди, отаси кириб келди ва дабдурустдан унга ҳамла қила кетди.

– Сен ҳам онангнинг тарафини оласан. Ҳамманг бир гўрсан, – дея кайфи тароқ Абдусаттор ўғлини ёқасидан бўғиб урмоқчи бўлди-ю, лекин бунга улгуролмади. Чунки Иброҳим унинг қўлини ёқасидан бўшатиб итариб юборди ва у йўлакка юзтубан йиқилди. Айни пайтда жаҳл фарзанднинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйди. Бунинг таъсирида у тандирхонада ётган эски куракнинг сопи билан отасининг бошига туширди. Иккинчи марта берилган зарбдан кейин Абдусаттор жон таслим қилди. Иброҳим падаркушга айланди. У нима иш қилиб қўйганини билолмай, анча вақт турган ерида қотиб қолди. Сўнгра айбини яшириш ҳаракатига тушди. Шу мақсадда отасининг жасадини кўчага олиб чиқиб, ғўзапоя уюмининг олдига ёткизиб, бошини курткаси билан ўраб қўйди. Куракнинг сопини эса бир-икки чақирим наридаги боғ ичига ташлаб келди. Кейин отасининг улфатлариникига бориб, гўёки уни қидираётгандек, кўрган-кўрмаганини сўраб чиқди.

* * *

Маҳалла оқсоқолининг хабарига биноан туман прокуратураси ва ИИБ ходимлари дарҳол воқеа жойига етиб келишди. Қўни-қўшнилардан иборат 5-10 чоғли одам уларни кутиб олди. Уларнинг ҳаммаси Абдусатторнинг қотили ким эканини билмай ҳайрон эди.

Жасаднинг бошидаги жароҳатлардан қотиллик қандайдир қаттиқ жисмдан фойдаланган ҳолда амалга оширилганини билиш қийин эмасди. Ўтказилган суд-тиббий экспертиза хулосалари ҳам буни тасдиқлади. Устига-устак, шу куни кечга яқин қишлоқ четидаги боғдан учида қон доғлари бўлган куракнинг синган сопи топилди. Ундаги қон доғлари Абдусатторнинг бошидан оққан қон билан бир хил экани аниқланди. Қолаверса, куракнинг сопи ҳам марҳумнинг хонадонига тегишлилиги маълум бўлди. Шундан сўнг Иброҳим ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди.

Суд фарзанднинг қилмиши юзасидан адолатли ҳукм ўқиди.

Шу ўринда мазкур қотилликнинг рўй беришига олиб келган омиллар хусусида фикр юритсак: хўш, ушбу фожианинг илдизи қаерда?

Албатта, бу нарса ўша оилага ва қолаверса, улар яшаган муҳитга бориб тақалади. Аввало, Абдусатторнинг ўзи бирор фойдали меҳнат билан шуғулланиб, рўзғор дея аталмиш ғорнинг камтигини тўлдиришни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, ичкиликка муккасидан кетиб, инсоний қиёфасини йўқотди. Иккинчидан, бунга маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, профилактика инспекторининг масъулиятсизлиги ҳам сабаб бўлган. Чунки улар Абдусатторнинг оиласига ёрдам қўлини чўзишмади. Агар кўпчилик бўлиб, уни тўғри йўлга солишганда, унинг ҳаёти изига тушиб кетиши мумкин эди.

Иброҳимнинг судда кўрсатма беришича, қўшни уйда яшовчи Сора буви қайта-қайта отасига насиҳат қилиб, ичкиликдан, оилавий жанжаллардан қайтармоқчи бўлган. Лекин унинг гаплари марҳумга кор қилмаган. Энди ён-атрофдагиларнинг бундай лоқайдлиги боис келгусида яна шунга ўхшаш фожиаларнинг содир бўлмаслигига ким кафолат беради? Демак, ҳар биримиз ҳар доим ҳамма нарсадан огоҳ бўлишимиз лозим. Чунки соғлом ҳаётнинг талаби шундан иборат.

**Абдумажид МАМАТОВ, ҳуқуқшунос**
**Хуршид СУЛТОНОВ, журналист**

**Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг масъул ходими Алмат Султоновга отаси *ТЕМУР бобонинг* вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.**

**"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ва "Ҳаёт ва қонун" юридик журнали Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририятнинг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири Ғози Раҳмоновга ўғли *АЛИШЕРнинг* бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-616. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5